Mustaqil gazeta

HURRIYAT

HAFTANING CHORSHANBA KUNI CHIQADI

1996-yil dekabrdan chop etila boshlagan

16–22- may
2001-YIL
20(224)-son

Иқтисод

ЗАЛВОРЛИ КЎРСАТКИЧЛАР

Мустақиллик йиллари юртимизда олиб борилган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар ўз самарасини кўрсатмасдан қолмади. Бугун ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон МДҲ давлатлари орасида иқтисодий жиҳатдан тараққий этаётган кам сонли давлатлар қаторидан муқим ўрин эгаллаб олди.

Келинг, фикримиз қуруқ бўлмаслиги учун баъзи рақамларга мурожаат этайлик. Ўтган асрнинг сўнгги йилида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажми авалги йилдагига нисбатан 4 фоизга ошди. Айни пайтда саноат ишлаб чиқариш миқдори 6,4 фоизга кўтарилди. Ўтган йилги кучли қурғоқчилик, сувнинг мулжалдагидан анча кам бўлганига қарамасдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 3,2 фоизга кўпайди.

Албатта, бу кўрсаткичларга ўз-ўзидан эришилиб қолинмади. Ҳар битта иқтисодий муваффақият ортида мамлакатда олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг мевасини ҳамда минглаб, миллионлаб юртдошларимизнинг фидокорона меҳнатини кўриш мумкин.

2000 йили пул эмиссияси йил якунларига кўра 9,4 фоизни ташкил этди. Бу эса мўлжалланганига нисбатан ҳам сал камроқ миқдордир.

Маълумки, пул қанчалик қадрли бўла борган сайин иқтисодий жиҳатдан ривожланиш ҳам шунчалик кучая боради.Бу эса корхона-ташкилотларнинг моддий аҳволи кучайишига олиб келади. Ўтган йили муддати узайтирилган дебиторлик қарзлари 41 фоизга, кредиторлик қарзлари эса 58 фоизга камайди. Шунингдек, бозор иқтисоди шароитида табиий бўлган яна бир ҳолат, яъни корхоналарнинг «синиши» ҳам икки баравардан кўпроққа қисқариб, бор-йўғи 81 тани ташкил этди.

Яна бир муҳим кўрсаткичга эътиборингизни жалб қилмоқчийдик. Ўзбекистонда экспортга чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ошди. 2000 йил якунларига кўра, ташқи иқтисодий савдо ҳажмининг ижобий сальдоси 317,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзингизга яхши маълум, кўплаб давлатларнинг иқтисодий аҳволи жаҳон бозорида нефть маҳсулотларининг нархига тўғридан-тўғри боғлиқ. Ўзбекистон эса айниқса кейинги уч йил ичида асосий экспорт маҳсулотларининг жаҳон бозорида нархи ўзгариб турганлигига қарамасдан ўз қимматбаҳо захираларини нафақат асраб қолди, балки уларнинг миқдорини оширди ҳам.

Бу эса республикамизнинг ташқи иқтисодий алоқаларда ишончли ҳамкор сифатидаги нуфузини оширади.

Мамлакатимизда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни ҳам самарали кечмоқда. Зеро, бу ҳол кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига кенг йўл очиб беради. Чунончи, 2000 йили хусусийлаштириш дастурида белгиланган 167 йирик корхона ўрнига 374 та корхона хусусийлаштирилиб, улар негизида 152 та акционерлик жамияти, 103 та хусусий корхона ва 117 та бошқа мулкчилик шаклидаги муассасалар ташкил этилди. Фонд бозорида эса аввал давлатга тегишли бўлган 6 миллиард сўмликдан ортиқроқ акция сотилди. Бу эса 1999 йилга нисбатан деярли 35 фоизга кўпроқдир.

Бозор шароити фуқаролардан тадбиркорликни, ишбилармонликни талаб этишини бугунги кунда кўпчилик юртдошларимиз тушуниб етишди. Балки шу сабабли ҳамдир, 2000 йилда рўйхатдан ўтган кичик ва ўрта корхоналар сони аввалги йилдагига нисбатан 13 фоизга ошди.

Бугун Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 27 фоизга яқини айнан кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Кичик ва ўрта бизнес ривожланганлиги сабабли ҳам 2000 йилда 193 минг янги ишчи ўринлари ташкил этилди, бу эса 1999 йилдагига нисбатан деярли бир ярим баробар кўпдир. Бу ишчи ўринларининг деярли 99 фоизи қишлоқларда ташкил этилганлиги айниқса диққатга сазовор – саноат қишлоққа кириб бормоқда.

2000 йилга мўлжалланган инвестиция дастури ҳам деярли тўлиқ амалга оширилди. Иқтисодимизга 700 миллиард сўмликка ва 810 миллион долларликка яқин маблағ инвестиция қилинди.

Бу маблағларнинг 55 фоиздан ошиқроғи ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилди. Енгил саноат, транспорт, алоқа ва бошқа қатор соҳаларга маблағ жалб этиш кучайди. Жумладан, нометалл қувурлар ишлаб чиқарадиган «Хобас-ТАПО» қўшма корхонаси ишга туширилди. Сантехника жиҳозлари ишлаб чиқарадиган қўшма корхона, полиэтилен қувурлар ишлаб чиқарадиган цех (Самарқанд вилоятида), азотфосфор ўғитлари ишлаб чиқарадиган корхона (Тошкент вилояти), чарм маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган қўшма корхона (Андижон вилояти)... Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин...

Юқорида тилга олиб ўтилган айрим иқтисодий кўрсаткичлар Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан тўқсонинчи йилларнинг бошидаёқ белгилаб берилган бозор иқтисодига «ўзбек модели» асосида ўтиш тамойилларнинг нақадар тўғри эканлигини кўрсатиб турибди.

Ҳаёт эса давом этмоқда. Бугун эришилган ютуқлар ўзимизники. Давр, янги муносабатлар эса биздан доимий тараққиётни, доимий ривожланишни талаб қилиб турибди. Мана шу талабларга мудом «лаббай» дея жавоб бериб турмоқлик эса иқтисодий ва ижтимоий барқарорликнинг гаровидир.

Ҳакимжон МАҲКАМОВ

ТОШКЕНТ

Сенга "нон бер" дея келган эмасман,
Сендан бахтим сўраб келганман, Тошкент.
Тузинг оқламасам фарзанд демассан,
Сени мен онам деб билганман, Тошкент.

Сенга шуҳрат излаб келган эмасман,
Сендан сабоқ истаб келганман, Тошкент.
Сўзим ёлғон бўлса назар қилмассан,
Сени мен устоз деб билганман, Тошкент.

Сенга севгим сўйлаб келган эмасман,
Сендан вафо тилаб келганман, Тошкент.
Ишқи сохталарни сен ҳам севмассан,
Севганда сен каби севганман, Тошкент.

Сенга паноҳ учун келган эмасман,
Шоир қиларсан деб келгандим, Тошкент.
Балки шеър ёзишни асло билмасман,
Лек қандай яшашни ўргандим, Тошкент.

Доим бағри очиқ, сахий шаҳарсан —
Бир бурда нонини бўлишган мингта.
Фарзанд камолини ўйлаб саҳардан,
Тунлари уйқу ҳам келмас кўзингга.

Юртим қуёшисан — эй, меҳру уммон,
Бағрим нурга тўлди илму зиёнгдан.
Бир кун тузинг тоттан ҳар қандай инсон,
Умрбод кечолмас сирли дунёнгдан.

Жаҳонда шаҳарлар кўп ва улуғвор,
Парижу Лондон ҳам ўзича кўркам.
Аммо ер юзида қанча миллат бор, —
Сени орзу қилиб, сени дер — кўрсам...

Бори эзгуликка йўғрилган шаҳрим, —
Не улуғ зотларнинг бошин силадинг.
Сенга муносиб қиз бўлмоқдир аҳдим,
Менинг ҳам бахтимни ўзинг тилагин!

Гулчеҳра Хўжанова,
Тошкент давлат юридик институтининг ўқитувчиси





Ҳафта воқеалари

II чақириқ Олий Мажлиснинг 5-сессияси ўз ишини якунлади. Унда Президент И. Каримов иштирок этди

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Ўзбекистон мустақиллиги ҳақида филм яратиш ниятида келган россиялик журналистларга интервью берди

Президент Ислом Каримов май ойининг 3-якшанбасини Республика кон-металлургия саноати ходимлари куни этиб белгилаш ҳақидаги фармонни имзолади

Нашр

"TIL VA DUNYO" – ЭРКИН ФИКР МИНБАРИ

Айни кунларда ёшларимизнинг жаҳон тилларини, дунёвий билимларни мукаммал ўрганишлари зарурлиги ҳақида кўп бора таъкидланаётгани бежиз эмас. Бу жараёнда барчамизга маънавий кўмак берувчи нашрлар эса бармоқ билан санарли.

2001 йил апрель ойидан бошлаб, бир гуруҳ зиёлилар ташаббуси билан истеъдодли журналист, устоз Маҳмуд Саъдий муҳаррирлигида Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетининг "Тил ва дунё" газетаси дунё юзини кўрди. Айрим газеталаримизнинг бир хил қолипда бўлиб қолаётгани ҳақида кўп гапирилаётган ҳозирги пайтда ҳақиқий эркин фикр тарафдори ва ифодачиси бўлган газета чиқариш учун кучли билим ҳамда мустаҳкам ижодий жасорат зарур. Энди "Тил ва дунё" саҳифалари орқали нафақат ЎзДЖТУ талабалари, балки фикрга, сўзга ташна ўқувчилар Ўзбекистон ва дунё ҳаётига ҳамоҳанг бўлган ажойиб мақолаларни ўқишлари мумкин. Газетанинг ўзига хос тузилиши, ундаги материалларнинг маъно-моҳиятини синчиклаб ўрганиб, ижодкорларнинг ижодий парвозлар сари шайланаётганликларига амин бўлдим.

Газета чин маънода талабалар, зиёлиларнинг эркин фикр минбарига айланиши муқаррар. Чунки газетанинг илк сонидаёқ янгиликлар билан биргаликда кишини ўйга толдирадиган, тафаккур уйғотишга чорлайдиган мақолаларнинг босилиши шундан далолат. Газета ижодкорлари:

"Ўз вужудингга тафаккур айлагил,
Ҳарне истарсен ўзингдан истагил!"

мисралари билан ўз мақсадларини аён қилганлар. " Тил ва дунё"да берилган "Ўзбекнинг ўзлиги", "Адабиётимизнинг ёруғ юлдузи", "Гётенинг илҳом париси" каби мақолалар айни шу ижодий мақсадни ифодалаган бўлса, ажаб эмас. Сўнгги "бекат"да эса газетхонларимиз адабиёт оламига саёҳат қилиб, жаҳон адабиёти дурдоналаривдан, донишмандлик намуналаридан, ичак-узар ҳангомалару бошқотирмалардан баҳраманд бўладилар. Айрим сифат эмас, сонни суриштирувчилар ҳам хотиржам бўлишлари мумкин. "Тил ва дунё" оз эмас, кўп эмас, нақд 7000 нусхада нашр этилянпти.

Хуллас, "Тил ва дунё" сизга ҳам суҳбатдош, сирдош бўлиш билан бирга илму ирфонга, янгиликларга эга бўлишингиз учун кўмак беради. Ўйлаймизки, "Тил ва дунё"нинг ўқишли мақолалари, чуқур таҳлилий материаллари, қизиқарли саҳифалари сизни зериктириб қўймайди. Келгусида "Тил ва дунё" ўз мухлислари қалбидан мустаҳкам ва ишончли ўрин олишига ишонамиз.

Парвозинг баланд бўлсин, "Тил ва дунё"!

Собиржон Ёқубов,
ЎзМУ журналистика факультети толиби

Миллий матбуот маркази
18 май, соат 15.00

ЁШ ЖУРНАЛИСТ МАҲОРАТИ ВА МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ

мавзуида давра суҳбати ўтказилади

Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети ва Саньат институтининг журналистика факультети талабалари

Бугунги кун матбуотининг қаҳрамони ким?

Талаба журналист қандай фаол бўла олади?

Ёш журналистнинг ихтисослашуви қандай кечмоқда?

сингари мавзуларда қизғин суҳбат қурадилар.

Давра суҳбатига марҳамат!

Мухлис

"РАУПОВ ОҚЛАНАДИМИ?"

Ушбуни ёзишимдан мақсад "Ҳуррият" газетаси мухбири Холиқ Хурсандовга ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. "Ҳуррият" газетасининг 2001 йил 11-17 апрель 15-сонида "Катта лейтенантнинг қисмати" мақоласи қаҳрамони Раупов Саидаҳмадни милиция зобити сифатида кўп йиллардан бери биламан. Қўлидан келганча инсонларга яхшилик қиладиган одам.

Мақолада тилга олинган аёлнинг ҳам аслида ким эканлигини ҳамма яхши билади. Қанчақанча тинч-тотув оилаларнинг бузилишига сабабчи бўлган.

Унга ўхшаган кимсаларга бизнинг жамиятимизда ўрин йўқ. Бундай иллатларни фош қилиб, таг томири билан йўқотишимиз керак.

Мақоланинг чиққани-ку яхши бўлибди, охири нима бўлади? Яна эски тос эскилигича қолиб кетаверадими ёки?.. Раупов оқланадими? Давомини кутиб,

Наргиза ҒАНИЕВА

Денов

Хабар

Муҳим тадбир

Дилнора АЗИМОВА

11-13 май кунлари Наманган вилояти Косонсой туманидаги "Косонсойчи" болалар дам олиш оромгоҳида "Кўзи ожизлар матбуотининг замонавий журналистикадаги ўрни" мавзусида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Республикадаги Очиқ Жамият Институти ҳомийлигида Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамиятининг "Бир сафда" журнали муҳарририяти семинар ўтказди. Кенгашда журналнинг вилоятлардаги жамоатчи мухбирлари "Бир сафда"нинг ҳозирги ҳолати ҳамда камчилик ва ютуқлари ҳақида фикр алмашди.

Журнал бош муҳаррири Абдусаид Мирҳамидов кенгашнинг мақсадини "ижодий ҳамкорлик ва ҳордиқ" деб белгилади ҳамда каттаю-кичик ёшдаги мухбирларнинг эътиборини "Бир сафда" олдида турган масалаларга қаратди.

А.Мирҳамидовнинг айтишича, 2 ойда бир марта чиқадиган "Бир сафда" журнали 1958 йили ўзбек, рус ва Брайль тилларида чоп этила бошлаган. 1995 йили моддий қийинчиликлар сабабли журналнинг рус тилидаги сони ёпилган ва 1997 йили "Бир сафда" бутунлай ёпилиш арафасида турган.

Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти марказий бошқаруви раиси муовини Ёқуб Жавлонов "Таҳририят ўз кунини ўзи кўряпти ва журнални бир амаллаб чиқараяпти" деди.

А.Мирҳамидов "Бир сафда" журналида ахборот тезкорлигини ошириш, жамоатчи мухбирлар билан кенг кўламда иш олиб бориш, мақолаларнинг мазмун-моҳиятига эътиборни кучайтириш, янги рукнлар очиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтди. Маблағ ва обуна борасида ҳам муаммолар юзага келган бўлиб, ташкилотларнинг кўпчилиги журналга обуна маблағини ўтказмаган ва "Бир сафда"нинг босмахонадан қарзи кўпайиб бормоқда. Ўтган йили ташкилотларнинг 400 минг сўм қарзи бўлиб, бу йил 1 миллион 100 минг сўмга етди.

Жамоатчи мухбирлар журналнинг сифатини оширишда болалар тарбияси ва реабилитацияси, кўзи ожиз кишиларни ишга жойлаштириш, табиат ва экология мавзуларида мақолалар чоп этиш таклифлари билан чиқди. Йиғилганлар халқ орасида кўзи ожизларга нисбатан "ёзувчи халқ" стереотипини йўқотиш ва журнални қисқа вақтда вилоятлардаги муштарийларга етиб бориши ҳақида ҳам суҳбатлашди. Келаси йили Кўзи ожизлар жамиятининг 70 йиллигига журнал таҳририяти жамиятнинг тарихига оид мақолалар тўпламини чиқариш ва марказий бошқарма таҳририятнинг жой масаласини ҳал этишни режалаштирди.

Косонсойда семинар бошланиш куни кўзи ожиз болаларнинг республика спорт ўйинлари якунлаши маросимига тўғри келди. Спартакиада 7-11 май кунлари шашка, шахмат ва енгил атлетика бўйича Наманган, Самарқанд, Андижон, Қашқадарё ва Хоразм интернат мактаб ўқувчилари орасида бўлиб ўтди. Мусобақаларнинг бош ҳаками Сон Эдуарднинг айтишича, шахмат ўйинлари бўйича Самарқанд, шашкада Андижон ва енгил атлетикада Наманган терма командалари биринчи ўринларни қўлга киритди.

"Косонсойчи" оромгоҳи директори Мўмин Маматжоновнинг айтишича, кўзи ожиз ёшлар орасида спорт ўйинларини ўтказиш қайтадан тикланди. Кўзи ожизлар жамиятида маблағ етишмовчилиги сабабли енгил атлетика бўйича мусобақалар охирги маротаба 10 йил аввал ўтказилган.

Семинар иштирокчилари замон талабига жавоб берувчи журнал яратишда янги ғояларга эга бўлдилар.

ҲИКМАТ

Токи бор мардлигу эрликдин асар,
Аҳли аёлингни этма дарбадар.
Мева шохи агар девордан ошса,
Унга ўткинчилар беҳад қўл чўзар.

Паҳлавон Маҳмуд

Истиқлолнинг 10 йиллиги

ТАРИХНИ ҲАҚҚОНИЙ ЎРГАНИШ ДАВРИ

Ватанимиз мустақилликка эришмаса бундай китоблар яратилармиди?! Яқин ўтган ўтмиш воқеалари бу қадар очиқ-ошкора, энг муҳими, тарихий адолат нуқтаи назаридан ёритилармиди?!

Жамоатчиликка яхши маълумки, 1996 йили Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошида "Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази" ташкил қилиниб, унинг зиммасига синфий ва мафкуравий қарашлардан холи бўлган Ўзбекистоннинг янги, ҳаққоний тарихини яратиш вазифаси юкланган эди. 2000 йили Тарих марказининг тўрт йиллик машаққатли меҳнати натижасида халқимизга мустабид совет тузуми йилларида атайлаб сохталаштирилган чоризм ва совет мустамлакачилиги даврига, шунингдек, мустақиллигимизнинг дастлабки йиллари тарихига бағишланган учта "Ўзбекистоннинг янги тарихи" асарлари тақдим этилди. Ўтган минг йилликнинг сўнгги кунлари "Шарқ" концерни нашриёти томонидан "Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида" фундаментал асари босмадан чиқарилди. Суҳбатдошимиз — китоб муаллифларидан бири, китобнинг илмий муҳаррири, Ўзбекистоннинг янги тарихи марказининг бош илмий ходими, тарих фанлари номзоди Мусаллам ЖУРАЕВ.

— Аввало, бу қадар салмоқли китоб яратилгани билан марказни, муаллифларни табриклаймиз. Китобнинг бошланишида совет даври тарихини, яъни "бу йўлни бир хилда баҳолаб бўлмайди" деган жумла келади. Ҳақиқатдан ҳам ўтган 70-75 йиллик даврнинг, сизнингча энг мураккаб "дақиқа"лари нималардан иборат?

— Ҳақиқатдан ҳам бу китоб катта меҳнат, машаққатли изланишлар эвазига юзага келди. Яна шуни олдиндан айтиб қўймоқчиманки, биз бу китобни мукаммал деб айтолмаймиз. Камчиликлари бор, албатта. Мустабид тузум йилларида халқимиз босиб ўтган йўл шу қадар сохталаштирилганки, уларнинг баъзи қирраларини тушуниб етиш учун муайян вақт керак бўлади.

Бевосита саволга келсак, ҳар қандай давлат, жамиятда, у ёки бу тарихий босқичларда, ўзига хос мураккаб ва зиддиятли "дақиқа"лар учрайди. Президентимиз И.Каримов "Ҳар бир давлат — бетакрор ижтимоий ҳодисадир" деганлари бежиз эмас. Чунки айрим давлатлардаги мураккаб "дақиқа"лар мазкур давлат олиб борган сиёсат билан боғлиқ бўлмайди, бошқа бир давлатларда эса ҳукмрон доира ёки партия олиб борган сиёсат табиий ҳолда бу жамиятни мураккабликларга мубтало қилади. Ўзбекистон қарийб 75 йил ана шундай мустабид даврни бошдан кечирди. Бу жамият ҳақиқатдан ҳам зиддиятларга ва мураккабликларга бенисҳоя бой. Масалан, 1917 йилги октябрь тўнтариши Туркистон халқларининг иштирокисиз, ўлкамизга мутлақо алоқаси йўқ кимсалар томонидан амалга оширилди ва улар халқимиз тақдирини ўзларича қал қилдилар. Туркистоннинг туб ерли аҳолиси эса, бу мураккаб шароитда нима қиларини билмай большевиклар ҳукмронлиги остида яшашга, унинг барча кирди-корларига бардош беришга мажбур бўлди.

XX аср бошларидаги миллий демократик давлатчилигимизнинг дастлабки тажрибаси бўлган Туркистон Мухториятининг большевиклар томонидан қонга ботирилиши, 1918-1921 йилларда большевиклар томонидан халққа қарши "ҳарбий коммунизм" сиёсатининг жорий этилиши натижасида аҳолининг (айниқса деҳқонларнинг) охирги дони, озиқ-овқати, ем-хашагигача тортиб олиниши, бунинг оқибатида ўлкада оммавий очарчилик (айниқса Фарғона водийсида) бир миллионга яқин аҳолининг ёстиғини қуритгани Туркистон халқлари учун тузалмас офатлар келтирди.

Давоми 2-3-бетларда.

Мулоҳаза

АХБОРОТ БЕРИШ ҲАМ, ОЛИШ ҲАМ САНЪАТ

Султон ЖЎРА

Қарийб ўн йилдан буён Ўзбекистонда яшаб ишлаётган, саккиз тилда (жумладан, ўзбек тилида ҳам) бемалол сўзлашувчи хорижлик бир дўстим бор. Тўғриси, ҳамма гап у билан бўлган навбатдаги суҳбатимиздан кейин бошланди.

Лерринг айтишича, бугунги кунда Ўзбекистон ҳаётидан ҳикоя қилувчи инглиз ва бошқа хорижий тилларда нашр этилаётган китоб, рисола ва плакатлар анчагина кўпайди. Ўзимизда ёхуд Европанинг тараққий этган мамлакатларида олий сифат қоғозларга босилаётган ўша нашрлар матни баъзан етарли даражада сифатли ва саводли бўлмай қолаётгани сезилади.Мамлакатимизнинг истиқлол йилларида эришган ютуқларидан ҳикоя қилувчи бундай нашрларда матн ҳам ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга, уларни хорижликлар ўқишади ахир!

Табиий, бундай нуқсонларнинг сабаблари кўпдир, аммо-лекин асосийси – назаримизда, ажнабий тилдаги матнлар тил борасида хали етарли малакага эга бўлмаган, бошловчи мутахассислар, таржимонлар томонидан тайёрланадиган кўринади. Ваҳоланки, эндиликда мамлакатимизда деярли барча хорижий тилларни мукаммал эгаллаган мутахассислар етарли.

Лерринг мулоҳазаларини тинглаб ўтириб бошқа фикрлар хаёлга келди. Назаримда, бугунги кунда маҳаллий нашрлар чет тилларда иловалар чиқаришга жиддий эътибор қаратишлари зарурга ўхшаяпти. Гап шундаки, Ўзбекистонда ишлаётган хорижлик сармоядорлар мамлакатимизда содир бўлаётган янгиланишлар ҳақида тўлиқ ва ўз вақтида маълумот ололмаяптилар. Уларнинг фаолиятида зарур бўладиган ахборотлар бошқа йўллар билан анча кеч етиб бормоқда. Иқтисодий янгиликлар ўз йўлига, ҳатто ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик воқеа-ҳодисалар ҳақидаги ахборот ҳам нечоғли барвақт етиб борса, шунча яхши эмасми! Мисол учун айрим хорижликлар Ўзбекистонда ислом динига қарши тазйиқ олиб борилаяпти, деб ўйлашади. Аслида-чи, ваҳҳобийликнинг нафақат Ўзбекистон, балки дунёнинг бошқа мамлакатлари учун ҳам, умуман замонавий тараққиёт учун ўта хавфли эканлигини инглиз, немис, француз ва бошқа чет тилларда ёзиб, газета-журналларга мақолалар беришимиз мумкин. Биз ўзимиз бундай ахбротлар тарқалишини етарли даражада таъминламаймиз, у ёки бу сабаб билан мамлакатимизга келиб қолган ажнабий журналист эса масалани чуқур ўрганмасдан, тушуниб етмасдан туриб, хабару йирик-йирик мақолалар ёзиб ўз нашрига жўнатишга киришиб кетади. Улар одатда гўёки "талофат кўрган", "мусибатзада"дан наридан-бери интервью олишади-да, шу билан "изчил ва ҳар томонлама" олиб борилган журналистик "изланиш" ниҳоясига етади.

Умуман, мамлакатимизга қадам ранжида қилган чет эллик журналист зоти борки, уларнинг аксарияти биронта салбий мақола ёзиб кетишга ҳаракат қилиши тасодиф эмас. Чунки, хориж матбуотида биринчи навбатда "шов-шув"ли хабарлар назарга тушади, уларнинг қанчалик ҳаққонийлиги эса бўлак муаммо.

Иккинчидан, ўзбек ёки рус тилини умуман билмайдиган аксарият хурматли хорижлик ҳамкасбларимиз одатда ёш маҳаллий таржимонлар орқали ишлашади. Тилмочнинг билими ва тажрибаси бундай масъулиятли хизматга етарлими — бу уларни назаримизда унчалик қизиқтирмайди. Бизнингча, таржимон нўноқ бўлса бўлсину, арзон бўлсин!..

Учинчидан эса айрим "холис" журналистлар ортида қандайдир "шарпалар" тургани шундоққина сезилиб қолади.

Тўртинчи сабаб ўз фуқароларимизга тааллуқли. Бу, интервью берувчи айрим маҳаллий раҳбарлар, аниқроғи, уларнинг профессионал ночорликлари билан боғлиқ. Мисол учун, дейлик, бир хил масала бўйича турли вазирликлар турлича статистик маълумотлар беришади. Бу хорижлик мухбирга ана шу маълумотларни истаган йўсинда ишлатишга "яхшигина" имконият яратади.

Интервью берувчилар аксарият ҳолатларда бир ёқлама маълумот беришга, нозикроқ қилиб айтганда, кўпроқ "мақтаниш"га одатланиб қолишаёганга ўхшайди. Афсуски, баландпарвоз суҳбату интервьюлар ғарблик ёки америкалик ўқувчиларни мутлақо қизиқтирмайди. Бошқача айтганда, "балансланмаган" ҳар қандай интервью кишида ишончсизлик туғдиради.

Кейинги пайтларда вазирлик ва идоралар алоҳида матбуот хизматларига эга бўлиши русумга айланди, аммо улардан кутилганидек самара бўлмаяпти. (Шу ўринда яқинда Республиканинг етакчи ташкилотлари матбуот хизмати раҳбарларининг Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган семинар-машғулоти айни муддао бўлди.)

Сўнгги уч-тўрт йил ичида халқаро миқёсда содир бўлаётган Интернет инқилоби бу каби муаммоларни янада кўндаланг қўймоқда.

Барча мамлакатларда ўзига хос муаммолар бор. Улар одатда матбуотда ошкор этилмайди. Ҳукумат сиёсатини тўғри тушунтира билиш эса ўта муҳимдир. Ўзбекистон ҳолатида, — дейди Лерринг, — ОАВ янада очиқроқ бўлиши лозим. Мисол учун, вазир берган интервью оддий бир амалдор берадиган интервью ёки бўлмаса расман тарқатиладиган пресс-релиздан қирқ баробар кўпроқ таъсир кучига эгадир.

Албатта, интервью беришни ҳам билиш керак. Бу ҳам санъат.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда республика миқёсидаги раҳбар ходимлар учун "Интервью бериш санъати" номли қисқа муддатли ўқув-амалий курсларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу ишга маҳаллий ва хорижий халқаро журналистлар ҳамда таниқли сиёсатшунослар жалб этилса яна-да яхши.

Мунозара

ЎҚУВЧИНИНГ КИЙИМИ

Саодат АЮПОВА,
Тошкент шаҳридаги 9-мактаб ўқувчиси

Кийиниш маданияти - маънавият кўзгуси. Ўз минталитетимизга муносиб миллий ва замонавий либослар қиёфаси анчагина баҳс талаб бўлиб қолётгани сир эмас.

Нозикроқ қилиб айтганда, бугунги кунда ким ўқувчи-ю, ким талаба — ташқи қиёфасидан фарқлаш қийин. Тақинчоқлар таққан, пардоз-андоз қилган, сочини катталарга тақлидан кесган, турли рангга бўяб олган, ўзига мос бўлмаган хориж кийимларини кийиб олган... Ёки "йиртиқ" юбкалару сирма шимлар мода бўлганини айтмайсизми!..

Ўрта мактаб ва лицей ўқувчилигини билдириб турадиган формалар ҳали-ҳануз муаммолигича қолиб кетмоқда. Форма топилмагани боис ким нимани ўзига лойиқ топса, кийиб келаверади, ҳеч ким ўқувчининг "мушугини пишт", демайди. Айниқса, ўзига тўқ оила фарзандлари тенгқурлари у ёқда турсин, ўқитувчиларнинг ҳам кўзини ўйнатиб, қимматбаҳо энгил-бош кийиб келишлари, ўртаҳол оила фарзандининг кўнглини ўкситиб, кийим масаласида оилада "сан-ман"га боришга олиб келаётганини ҳақида кўп гапириладию, айтилган гап гаплигича қолиб кетяпти.

Тўғри, газетада ҳам, радио, телевидениеда ҳам бу муаммо гоҳи-гоҳида ёритиб турилади.Турли бичимдаги формалар намойиш этилди ҳам, афсуски, ёшларимиз дидига ва замонавий-миллий модага жавоб берадиган форма масаласи муаммолигича қолиб кетмоқда. Ваҳоланки, бундай форма-либосга бугунги кунда эҳтиёж катта.

Ахир, қанчадан-қанча модельерларимиз бор, биз ўқувчилар учун кўзни яшнатадиган замонавий ва кўркам, қишлик ва ёзлик формаларни оммавий тикиб, муомалага киритишса қани эди! Токи ўқувчи ўқувчи эканлигини унутмаса, кийим танлашда ёши, жамиятда ўрнини унутмаган ҳолда одоб доирасидан чиқмаса.

Менимча, форма — ўсмир ёшдаги ўқувчининг ички оламини кўз-кўз қиладиган либос. Уни байроғимиз ранги бўлган мовий, яшил ёки сурма рангда тикиш ҳам мумкиндир? Шунингдек, миллийлигимизни билдириб турадиган бисотимиздаги атлас ва шойи қўйлакларни кийиб, сочларимизни майда ўриб, бир ойда бир марта "Миллий либослар куни"ни байрам қилсак, бу ҳам ўзига хос маънавият кунига айланиб кетармиди?..

Бундан 10 йил муқаддам мактаб остонасига қадам қўйган тенгдошларимиз, мана, мустақилликнинг шонли 10 йиллигини нишонламоқдалар. Мана шундай кунларда мен ўртага ташлаган муаммо ҳам ечимини топса деган умиддаман.

ДАВОМИЙЛИК СУВГА БОҒЛИҚ

Сув — ҳаёт манбаи. Шундай экан барча бирдек шу манбани асраб авайламоғи, иложи борича унинг равнақига ўз ҳиссасини қўшиб бормоғи лозим. Ҳозирги кунда мамлакатимиз сув бойликларини миқдор ва сифат жиҳатидан муҳофаза қилиш ҳар бир маънавияти етук инсон учун долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Бугунги кунда инсон бевосита фойдаланаётган ва келажакда фойдаланиши мумкин бўлган маълум ҳудуддаги барча сув манбалари шу ҳудуднинг сув заҳираларини ташкил этади. Мамлакатимиз сув заҳираларига инсон омили – антропоген омилнинг таъсири йилдан-йилга сезиларли даражада ортмоқда. Ана шу инсон омилининг таъсири натижасида ижобийлик билан бирга иқлим ўзгариши, қурғоқчилик ва табиий равишда ерларнинг чўлга айланиши каби салбий оқибатлар ҳам юзага келмоқда. Бу ҳақда Президентимиз ўзининг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида" асарида шундай дейди: "XX аср охирида ерларнинг табиий равишда чўлга айланиши юқори даражада бораётганлиги етмагандек, одамларнинг муносабати туфайли чўлга айланиб бориш жараёни шитоб билан давом этаётганлиги бу муаммони янада кучайтирмоқда".

Президентимиз гапларидан кўринадики, бу муаммолар сув ва одамларнинг муносабатига бевосита боғлиқ. Ўзбекистон дарёларининг кўпчилигида оқимнинг асосий қисми баҳор ва ёзнинг бошларида оқиб ўтади. Бу вақтда сувдан кенг қўламда эмас, аксинча тежаб-тергаб, унумлироқ фойдаланишга эътиборни қаратмоқ зарур. Чунки бундай вақтларда табиатга қанчалик эркинлик берилса шунча кучайиб олади.

Мамлакатимизда 4,2 миллион гектар суғориладиган ер бўлиб, бу барча ҳайдов майдонининг тўртдан уч қисмидан кўпроғини ташкил қилади. Ана шу ерни суғоришда сувдан оқилона фойдаланса, Оролга бормай қолаётган сувнинг анчагина қисмини сақлаб қолган бўламиз. Шунинг учун экинларни суғоришда ҳар бир раҳбар, ҳар бир деҳқон сувдан оқилона фойдаланса деҳқончилигимизнинг эртаси учун ҳам замин яратган бўлади. Бугунги кунда барча раҳбару деҳқонлар буни яхши билишса-да, айрим жойларда бетон ариқлардан таъмирланмаганлиги боис сувнинг беҳуда оқаётганлигини, эътиборсизлик туфайли айрим экин майдонларини сув босиши ёки оқава сувлар бошқарилмасдан бир жойда тўпланиб турганининг гувоҳи бўламиз. Бундай нуқсонлар нимадан келиб чиқади ёки уларнинг олдини олиш шунчалик мураккабми? Сабаб нимада?

Сабаб оқибатни ҳис эта билмаслигимизда ёки ҳис этсак-да, бу муаммоларга оддийгина қараб қўяқолишимизда. Айримлар табиий бойлигимиз бўлган сувга "мендан кетаяптими?" қабилида муносабатда бўладилар. Маънавияти етук инсон табиий бойлик, давлат ва умумхалқ бойлигига "меники" тушунчаси билан муносабатда бўлади. Биз маънавий қадриятлар шаклланган жамиятда яшаяпмиз. Шундай экан жамиятга мос равишда инсон омилининг сувга бўлган муносабатини салбий эмас, ижобий таъсири кўриниб турса, дея ният билдирамиз.

Алишер МАЖИДОВ,
Ўз МУ толиби



Бир савол — бир жавоб

ҚАД РОСТЛАЁТГАН ИСТИҚЛОЛ

Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида Сиз ҳокимлик қилаётган туманда қандай иншоотлар қуриб битказилмоқда?

Ҳасан ҲАКИМОВ, Андижон тумани:

— Ўзбекистон — Хитой тикувчилик қўшма корхонаси яқинда ишга тушди. Хусусий "Имкон И" трикотаж фабрикасининг ишга тушиши янги 400 ишчи ўрнини яратди. Донни қайта ишловчи Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси, мевани қайта ишлаш цехи, шунингдек қишлоқ шифокорлик шахобчаси қуриб битказилмоқда.

Тўрақул ҲАМРОЕВ, Бойсун тумани:

— 270 ўринли мактаб биноси азиз фарзандларимизни қучоғига олади, Тоғлик Мачайда битказилаётган шфокорлик шахобчаси маҳаллий аҳоли саломатлигини сақлаш йўлида хизмат кўрсатади.

Ўткир НИҒМАТОВ, Бўстонлиқ тумани:

— Яқинда Ғазалкентдан Чорбоғ шаҳарчасига тортилган 20 чақиримли юқори босимли газ қувури фойдаланишга топширилди. Аҳоли номидан "Тошнефтгазқурилиш" трестига миннатдорчилигимизни изҳор этамиз. Бундан 7 та қишлоқ баҳра олди! Чорбоғдан Қоронқўл қишлоғига 8 чақиримли ичимлик сув қувури ётқизиляптики, бунинг ҳам аҳамияти катта. Бундан ташқари туманимиз табиати туризм ва дам олиш тизимини ривожлантиришни тақозо этадики, бу ҳақда ҳам талай ниятларимиз бор.

Рустам ИСМАТУЛЛАЕВ, Поп тумани:

— Поп шаҳри маркази тубдан қайта ободонлаштирилмоқда. Мустақилликнинг 10 йиллиги номи билан аталиши мўлжалланаётган ушбу марказ-мажмуада маданият саройи қад ростламоқда. 3000 ўринли ёшлар маркази, тез тиббий ёрдам маркази, маҳалла гузарлари бунёд этилмоқда. Ичимлик суви, газ ўтказиш, йўл қурилиши тўхтамай давом этмоқда.

Раҳима ҲАКИМОВА, Самарқанд тумани:

— Жами 42 катта-кичик иншоот қурилиши жадал давом этмоқда. Ўқитувчи, ҳуқуқшунос, иқтисодчи мутахассислар етиштирувчи 910 ўринли коллеж, 3 та мактаб, жарроҳлик маркази, 12 та маҳалла гузарида маданий-маърифий марказ бинолари мустақилликнинг 10 йиллигига совға бўлади. Юқори босимдаги 2 та газ тақсимлагич станция ишга тушгач ўзимиздан ташқари қўшни туманларга ҳам хизмат кўрсатади.

Саъдулла ЭШБОЕВ, Фориш тумани:

— 3та қишлоқ шифокорлик шахобчаси,мтахассисларни тайёрловчи коллеж, маиший хизмат уйи, автошоҳбекат, хотира майдони қуриб битказилди.Бундан ташқари кенг кўламда ободонлаштириш бошланиб кетди.

Матёқуб МАДАМИНОВ, Хива тумани:

— 2 та коллеж қайта таъмирланди, Пахта-банк, Миллий-банк, Тадбиркор-банкнинг янги бинолари ишга тушди. Прокуратура, милиция ва солиқ идораси бинолари қурилди. Шунингдек, Маъмун академияси янгитдан бунёд этилди, 4 та қишлоқ шифокорлик шахобчаси фаолият бошлади.

Алишер МИРҚОСИМОВ, Яккасарой тумани:

— Юнус Ражабий номли маҳалланинг муҳташам гузари очилди. Кўпчиликка маълум, депо қурилиши битди. Ҳамза Умаров кўчасининг сал кам 1,5 чақирим қисми таъмирланиб, ободонлаштирилди.

Шаъбон НАБИЕВ, Қизилтепа тумани:

— 750 ўринли қишлоқ хўжалиги мутахассисларини тайёрловчи коллежи, жами 600 ўқувчига мўлжалланган 2 та мактаб биноси, шунингдек бир неча қишлоқ шифокорлик шахобчалари қуриб, фойдаланишга топширилмоқда.

ТАРИХНИ ҲАҚҚОНИЙ

Умуман, 20-30 йиллар мураккабликларга, фожиаларга тўлиб ётибди. Большевиклар режимига қарши истиқлолчилик ҳаракатининг авж олиши, жамиятда синфий қурашнинг атайлаб зўрайтирилиши, ҳар бир масалани ҳал этишда синфий ёндашув оқибатида одамларнинг бир-бирига қарши қўйилиши, қўни-қўшнини, қариндош-уруғни, ота ва болани бир-бирига душман қилиш большевиклар "синфий кураш" сиёсатининг асосини ташкил этди. "Национализация" қилиш, 1921-1922 ва 1925-1929 йиллардаги ер-сув ислоҳотлари, мажбурий жамоалаштириш, "қулоқларни синф сифатида" тугатиш, асрлар давомида шаклланган мулкчиликнинг барча турларини бекор қилиниши, ислом динига, диндорларга, миллий қадриятларимизга нисбатан таъқиқлаш сиёсати халқимиз тақдиридаги мудҳиш дамлар эди.

Айниқса, 30- ва 50-йиллар бошидаги большевизмнинг оммавий қатағонлари мустабид тузум қиличи остидаги барча халқлар қатори Ўзбекистон халқлари бошига қора кунларни солди! Қанчадан-қанча бегуноҳ инсонларнинг ёстиғи қуриди. Булар мураккаб дақиқалар эмасми?!

Ўз вақтида большевиклар йўлбошчиси Ленин Чор Россиясини "халқлар турмаси" деб атаган эди. Бироқ, большевиклар ҳокимиятни зўрлик билан қўлга олганларидан сўнг орадан кўп ўтмасданоқ бу борада улар чоризмдан ҳам ўтиб тушдилар. Улар ҳукмронлиги йилларида Ўрта Осиё республикаларига, жумладан, Ўзбекистонга Узоқ Шарқдан корейслар, Шимолий Кавказ ва Грузиядан чеченлар, ингушлар, қорачайлар, қалмиқлар, месхети турклари, Волгабўйидан немислар, болгарлар, поляклар, юнонлар, Қримдан эса крим татарлари ва бошқа халқлар ва этник гуруҳлар мажбуран сургун қилинди. Бунинг оқибатида Ўзбекистон ҳам совет даврининг ўзига хос "халқлар турмаси"га айлантирилди. Большевизмнинг ғайриилмий ва қуруқ "сафсатадан" иборат "миллий сиёсати" Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларда мураккаб муаммолари юзага келтирди. Буни биз 1989 йилги Фарғона воқеалари мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги пахта якка ҳокимлиги, қишлоқ хўжалигида заҳарли кимёвий дориларнинг керагидан ортиқча ишлатилиши, Орол денгизининг қуриб бориши, экологик муаммонинг кескинлашуви, маъмурий-буйруқбозлик ва қатъий режалаштирилган совет иқтисодиётининг турғунлик ҳолатига тушиб қолиши Ўзбекистон халқларини мураккаб аҳволга солиб қўйди.

Мустабид совет тузуми йилларида унинг зўравонлик билан амалга оширган сиёсати натижасида юзага келган бу мураккабликлар ва салбий ҳолатлар Ўзбекистоннинг янги тарихи Маркази томонидан Ўзбекистон халқига яқиндагина тақдим этилган "Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида" китобида ўз ифодасини топган.

Лекин шу жойда бир ўринли савол туғилади. Халқимизнинг мустабид совет тузуми йиллари тарихи фақат мураккабликлардан ва салбий ҳолатлардан иборатми? Йўқ, албатта. Унинг ижобий томонлари ҳам кўп бўлган. Бу ижобий жиҳатлар китобда кўрсатиб ўтилган. Лекин, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мустабид совет давлати амалга оширган зўравонлик сиёсати натижасида қанчалик мураккаб ҳолатлар юз бермасин, меҳнатсевар ва бунёдкор халқимиз барча қийинчиликларга бардош берди ва мустақиллик пойдеворини қадам-бақадам қўйиб борди.

— **Тарихчи олим нуқтаи назаридан "инқилоб" ва "тўнтариш" сўзлари қандай изоҳланади?**

— "Инқилоб" — рус тилидаги "революция" сўзининг ўзбекчага ағдарилгани. Агар бу сўзларнинг маъноси қарийб барча изоҳли луғатларда бир хил таърифланган. Масалан, машҳур олим Е.Далнинг изоҳли луғатида "революция" французча сўз эканлиги ва унинг маъноси "тўнтариш", "бехосдан қилинган ўзгариш" деб берилган. Шўролар даврида чоп этилган бошқа бир изоҳли луғатда эса "революция" французча ва лотинча сўздан олинганлиги ва унинг биринчи маъноси "жамият ҳаётида тубдан қилинган ўзгариш", иккинчи маъноси - "тўнтариш" деб таърифланади. Шунингдек, Х.К.Барановнинг "Арабча-русча изоҳли луғатида" - "Инқилоб" сўзи арабча "қалб" ўзагидан ясалганлиги, унинг маъноси эса "тўнтариш", "тескарисини ўрнатиш", "қалбакилаштириш" деб изоҳланган. Кўриниб турибдики, "инқилоб" ва "тўнтариш" сўзлари бир хил маънони англатади.

Лекин биз китобда "инқилоб" сўзини ижобий маънода, "тўнтариш" сўзини эса салбий маънода қўлладик. Сабаби, 1917 йилги февраль инқилоби нафақат Россияда чоризм монархиясини ағдарди ва демократик жамият қуриш учун имконият яратди, шу билан бирга чоризмнинг мустамлака ҳудудларида, жумладан Туркистон ўлкасида ҳам мустамлака зулмидан қутулиш ва озодликка эришиш учун шароит яратди. Демократия ва сўз эркинлиги берилди. Натижада, февраль инқилобидан кейин қисқа муддат ичида Туркистонда бир қатор миллий демократик ташкилотлар, демократик матбуот юзага келди. Туркистон халқининг миллий ўзлигини англаш, озодлик ва эркинликка бўлган интилиш жараёни тезлашди. Шунинг учун ҳам февраль инқилобининг Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги аҳамиятини эътиборга олиб, ижобий баҳоланган эди. Бизнингча бу тўғри ёндашув бўлса керак.

Бироқ, Туркистондаги ана шу ижобий силжишларнинг табиий ривожланиш жараёни 1917 йилги большевикларнинг октябрь тўнтариши оқибатида зўрлик билан тўхтатилди. Октябрь тўнтаришидан кейинги воқеалар Туркистон халқлари тақдирига янги, ўзига хос, большевикча "шиорлар" билан нақобланган мустамлакачилик даврини бошлаб берди. Шунинг учун ҳам биз китобимизда илгарилари коммунистик мафкура андозасидаги адабиётларда кўкларга кўтариб мақталган "буюк октябрь инқилоби"ни салбий маънода (ҳақиқатдан ҳам шундай) — большевикларнинг "октябрь тўнтариши" деб таърифладик. Бу билан, фақат биз китобимизда "октябрь тўнтариши" иборасини биринчи бор ишлатдик, деган маънони англатмаслиги керак. Чунки, бу сўзни 20-30-йилларда большевикларнинг ўзлари ишлатган. Бу ҳақда архив ҳужжатлари ва бошқа манбалар, ўша давр адабиётлари гувоҳлик беради. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилардан бошлаб эса "Октябрь инқилоби" деб сиёсий ва мафкуравий жиҳатдан улуғлаш бошланди. Фақат 80-йилларнинг охирлари ва мустақиллик йилларида яна "октябрь тўнтариши" ибораси ишлатилиб, унга адолатли баҳо бериш бошланди.

Шу ўринда яна бир масалага эътибор қаратмоқчиман. Аслида, барча "инқилоб" ва "тўнтариш"лар улар ижобий ёки салбий бўлишидан қатъий назар зўравонликдан иборатдир. Чунки ҳар қандай инқилоб жамиятнинг экстенсив (табиий) ривожланиш жараёнини зўрлик билан бузиб, уни "инқилобий кучлар"нинг ҳоҳиширодаси асосида янги ўзанга бўриб юборади. Бу жараён ҳеч қачон енгил кўчмаган, қон тўкишлар, йўқотишлар, вайронагарчиликлар эвазига юз берган. XIX, XX асрларда Америкада, Европада, Шарқ мамлакатларида содир бўлган инқилоблар бунга мисол бўла олади.

— **Совет давлати эксперименталари кўплаб халқлар бошига ҳисобсиз кулфатлар келтирди. Бундан қандай хулоса чиқади? Халқлар устида тажриба ўтказиш қораланаяптими ёки ҳар бир халқ ва жамият ҳаёти табиий тараққиёт оқимида давом этиши маъқулланмоқдами?**

— Мустабид совет мафкураси пировард мақсад қилиб "синфсиз" жамият қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Ҳозирги кунга келиб, бундай мақсадлар хаёлпарастликдан бошқа нарса эмас эканлиги ҳаммага аён. Ваҳоланки, хаёлпарастларча ва илмий жиҳатдан асосланмаган режаларини амалга ошириш мақсадида кўз кўриб-қулоқ эшитмаган "экспериментлар" қилинди. "Ҳарбий коммунизм", "янги иқтисодий сиёсат", "ер-сув ислоҳотлари", "жамоалаштириш", "қулоқларни синф сифатида тугатиш", "саноатлаштириш", "маданий инқилоб", "хужум" компанияси", "коммунизмга сакраш", "ягона совет халқини шакллантириш", "ривожланган социализм" ва "коммунистик жамият" қуриш ва ниқоят "қайта қуриш"... шўро давлатининг 70-75 йил мобайнида ўтказган "экспериментлари"нинг асосийлари шулар. Булар шунчаки "эксперимент"лар эмасди. Улар зўравонлик билан амалга оширилиб, қанчадан-қанча қурбонлар беришга, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий йўқотишларга, охир-оқибатда халқнинг турмуш даражасининг пасайишига, унинг норозилигига сабаб бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, большевиклар ўйлаб топган "эксперимент"лар Иттифоқ таркибидаги барча халқлар табиатига мутлақо ёт нарса эди. Нафақат юқорида санаб ўтилган "эксперимент"лар, шунингдек "коммунистик ғоя"нинг ўзи ҳам барча халқлар турмуш тарзига, миллий маънавиятига, психологиясига тўғри келмасди.

Ҳар бир халқ ўзининг табиий тараққиёт оқимига ва ўзининг оқиш ўзанига эга. Бу табиий ривожланишга зўрлик билан аралашиш, жамият ҳаётини зўрлик билан ўзгартириш тарихдан маълумки, ҳеч қачон у силлиқ ўтмаган ва ҳамиша ҳам ижобий натижа бермаган.

Лекин, объективлик нуқтаи назаридан ҳам тан олиш керакки, амалга оширилган "эксперимент"лар дастлабки босқичларда айрим ижобий силжишларга сабаб бўлган. Масалан, халқнинг маданий ва илмий савияси ошди, саноат тараққиёти тезлашди, қишлоқ хўжалигининг техника таъминоти ва маҳсулдорлиги қисман ошиб борди. Аммо бу ривожланишлар мунтазам бўлмади. Чунки бу "эксперимент"лар охиригача пухта ўйланмаган, илмий асосланмаган эди. Шунинг учун ҳам улар ўзини оқламади, ҳаёт синовларига бардош бера олмади. Охир-оқибатда совет мустабид тузумини ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий инқирозга олиб келди. Бу тарихий ҳақиқатдир.

— **Китобда "босмачи" атамаси миллий истиқлолчилик ҳаракати деб номланибди. Демак, матбуотда шундай ибора қўлланиладеришига йўл очилди деганими ёки мазкур мавзу юзасидан мутахассислар орасида келишмовчилик ҳамон борми?**

— Китобимизда барча тарихий воқеалар, шахслар фолияти ва атамалар қандай ёзилган бўлса улар бундан кейин айнан шундай ёзилиши ёки аталиши шарт деган маънони англатмайди.

Китобдаги талқин бир гуруҳ муаллифлар, жумладан илмий муҳаррир сифатида менинг ҳам, шунингдек китоб қўлёзмаси билан танишган тақризчиларнинг фикр-мулоҳазалари, холос. Бошқа мутахассислар бу фикрларга қўшилишлари ёки қўшилмасликлари мумкин. Илмда "шу охирги ва мутлақ хулоса" деб нуқта қўйиш менимча, тўғри бўлмайди. Зеро, илм изланишлар асосида мунтазам тараққий этади.

Маълумки, "қайта қуриш" йилларидан бошлаб мустабид совет тузуми йилларида "босмачи" тамғаси осилиб, миллий озодлик учун курашган аждодларимизнинг камситилганлиги ва уларга нисбатан адолатсизлик қилинганлиги ҳақида матбуотда бир қатор мақолалар эълон қилиниб, бу масалада турли хил фикрлар билдирилган эди. Мақолаларда, давра суҳбатларида "босмачилик" атамаси ўрнига "миллий истиқлолчилик ҳаракати", "миллий-озодлик кураши", "қаршилик ҳаракати" каби атамаларни ишлатиш ҳақида асосли таклифлар билдирилди. Лекин, кўпчилик "миллий истиқлолчилик ҳаракати" атамаси "босмачилик" ўрнида ишлатилиши тарафдори бўлиб чиқди. Бироқ, "истиқлолчилик ҳаракати" атамаси бу даврда илмий асарларда, дарсликларда, мақолаларда кенг ишлатила бошлаган ва халқимизда кўникма ҳосил бўлаётган эди.

Шуни афсус билан айтиш ҳам керакки, орамизда ҳалигача "босмачилик"ни "истиқлолчилик ҳаракати" деб аталашига кўника олмаётганлар ҳам йўқ эмас. Бу, мустабидлик тузуми йилларида кишилар онгига сингдирилган ғоявий "ишловлар" натижасидир. Шу боис "босмачилик" ҳақидаги янгича фикрни ҳамма ҳам бир хилда қабул қилмайди. Баъзилар ота-онасидан, яқинларидан ва кексалардан эшитган "босмачилар"нинг қилган талончилик, ўғирлик, тинч аҳолини отганликлари, аёлларга нисбатан қилган зўравонликлари ва бошқа қабиҳликлари ҳақидаги маълумотларга ургу берадилар ва шуларга асосланиб умумий хулоса чиқарадилар. Шубҳасиз, бундай ҳодисалар бўлган. Буни ҳеч ким инкор этмайди.

Лекин шу ўринда бундай хулосаларга чуқур назар солиш керак бўлади. Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракати совет давлатининг бошқа ҳудудларига нисбатан кучли бўлди ва узоқ давом этди. Истиқлолчиларга қарши курашиш учун Марказ томонидан махсус "Туркистон фронти" ва "Фарғона фронти"нинг ташкил қилиниши, Фрунзе ва Будённий каби большевикларнинг сара саркардаларининг Туркистонга юборилиши ҳам ўлкада большевиклар режимига қарши курашнинг нақадар кучли бўлганлигидан далолатдир.

Узоқ давом этган оғир истиқлолчилик уруши иштирокчиларининг руҳиятига, хулқ-атворига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Қийинчилик, жудоликларга, қон тўкишларга ҳамма ҳам бардош бера олмади. Ўн минг, юз мингдан иборат бўлган истиқлолчилар орасида ўзларининг тор шахсий манфаатлари йўлида талончилик ва ўғирлик билан шуғулланиб, муқаддас ғояларга хиёнат қилганлар қам учраган. Шунингдек, мустабид тузум ҳам "қўл қовуштириб" турмади. Истиқлолчиларни халқ олдида обрўсизлантириш учун большевиклар томонидан махсус "босмачи" отрядлари тузилиб, улар аҳолини талаганлиги, отганлиги, аёлларга нисбатан зўравонликлар қилганлиги ҳақида айрим ҳужжатлар ҳам топилмоқда.

Демак, истиқлолчилик ҳаракатига доғ туширган бундай салбий ҳолатлар учун бутун ҳаракатни айблаш адолатдан эмас.

Шу ўринда табиий савол ҳам туғилади. Тарихда биронта салбий ҳолатлардан холи бўлган миллий-озодлик ҳаракати бўлганми? Темир интизом ўрнатилган ва ўзининг "Низомига" эга бўлган ҳаракатдаги армияларда ҳам уруш жараёнида талончилик, зўрлик ҳолатлари содир бўлади.

Шуни унутмаслигимиз керак, 20-30-йилларда большевиклар тузумига қарши қўлига қурол олиб курашган ота-боболаримиз (улар орасида муқаддас ғояга доғ тушиганлари бўлса ҳам) "Туркистон туркистонликлар учун", "Туркистонга озодлик" каби шиорлар билан бугунги истиқлолимиз асосини яратдилар ва истиқлол учун қон тўкдилар. Биз Ватан ва миллат манфаати йўлида курашган, жон олиб-жон берганларнинг руҳи олдида таъзим қилишимиз лозим.

— **Китобда 30-, 50-йиллардаги қатағон, ялпи қирғин кирдикорларини очиб ташлашга бағишланган саҳифа ва боблар оздек туюлди...**

— Бу икки давр оммавий қатағонлари тафсилотларига иккита махсус параграф бағишланди. Эҳтимол, айрим ўқувчилар учун мазкур саҳифалар оз туюлиши мумкин. Ушбу мавзу янада чуқурроқ ва янада батафсилроқ ёритилиши зарурлигига келсак, бу фикрга биз тўла қўшиламиз. Аммо

Давоми.Боши 1-бетда

GLOBUS
international life

Дараклар

2008 — Олимпиада ўйинлари

Бу ҳафта Хитой учун ҳаяжонли бўлиши кутилмоқда. Сабаби Халқаро олимпиада қўмитаси 2008 йили олимпиада ўйинлари ўтказилиши кутилаётган 5 мамлакат ҳақида ҳисоботни нашр қилади.

Маълумотларга кўра Хитойдан ташқари Канада, Франция, Япония, ва Туркия давлатларидан бири 13 июль куни Халқаро олимпиада қўмитаси томонидан ўтказилган сайловда кўп овоз олса, шу мамлакатда навбатдаги олимпиада ўйинлари бўлиб ўтади.

Хитой биринчиликни кўзласа-да, қўмита бошлиқлари Франция ва Канадага кўп овоз бериши кутилмоқда. Олимпиада жойини танлаганда қўмита мамлакатнинг спорт иншоотларини, транспорт ва атроф-муҳитни муҳофазалаш масалаларини эътиборга олади. Хитой бундай талабларни қондира олмаяпти.

Конгресс ғалаба қозонди!

Ҳиндистоннинг асосий мухолифатдаги Конгресс партияси мамлакатнинг 5 штатида бўлиб ўтган сайловларда ғолиб чиқди. Партиянинг ғалабаси Ҳиндистон бош вазири Атал Бехари Важпай фаолиятига зарба бериши кутилмоқда. Бош вазирнинг BJP коалициясининг ҳамкорлари мағлубиятга учради.

Шимолий Кореяга ёрдам

Озиқ-овқат ва саломатлик борасидаги инқирозларга барҳам беришда Европа Иттифоқи Шимолий Кореяга ёрдам беришини эълон қилди. Шунингдек, иттифоқ Шимолий ва Жанубий Корея давлатлари ўртасидаги тинчлик музокараларини қўллаб-қувватламоқчи. Аммо режанинг қачон ва қандай амалга оширилиши номаълум. Ирландия ва Франциядан ташқари, Европа Иттифоқининг барча аъзолари Шимолий Корея билан яхши муносабатда. Ўтган ҳафта Франция инсон ҳуқуқлари ва қурол-аслаҳани қисқартириш чораларига Шимолий Корея эътибор қаратмагунча мамлакатни илиқ қарши олишга шошилмаслигини маълум қилди.

Қонуний сайловлар

Тўрт ой ичида Филиппин халқининг сиёсий ҳаётини ўзгартирган кучли намойишлардан сўнг мамлакат президенти Глория Макапагал Арройонинг қонуний президентлиги учун референдум сайловлари бўлиб ўтди. Сайловлар натижаси бир неча кунлардан сўнг маълум бўлади.

BBC ва Нью-Йорк Таймс хабарлари асосида Дилнора тайёрлади.



Тафсилот

Журналистларнинг махсус хизмат вакиллари томонидан оғдириб олиниши ёхуд хавфсизлик хизмати ходимларининг "журналист" қиёфасида иш олиб боришлари дунё тажрибасида янгилик саналмайди. Машҳур киноактёр Жеки Чан бош ролни қойилмақом қилиб ўйнаган "Мен кимман?" ("Who at I?") фильмидаги "журналист" — аслида ЦРУ агенти — қизни эсланг...

Аксарият хавфсизлик хизматлари мамлакатда, минтақада таъсир кучига эга бўлган ОАВ билан, тўғрироғи, таҳририятда ишлаётган "ишончли" журналист билан "ҳамкорлик"ни йўлга қўйиб оладилар ва мавриди билан ана шу "ҳамкор" орқали зарур ахборотларни тарқатадилар, ўз навбатида унинг кўмагида тегишли ахборотларни оладилар. Бу "тадбир"ни амалга ошириш ривожланган давлатларда анча қимматга тушса, ривожланаётган мамлакатларда деярли сув текин.

Бу ҳолни ҳар ким ўзича талқин этади, кимдир "Ватанга хизмат" сифатида, яна кимдир "журналист ахлоқига хиёнат", "сотқинлик" сифатида баҳолайди...

Қуйидаги мақолада айни масаланинг Буюк Британиядаги кўринишлари билан танишасиз.

ТАҲРИРИЯТ

МИСГАР, ТИКУВЧИ, АСКАР ВА ЖУРНАЛИСТ

Буюк Британияда журналистларнинг махфий хизмат вакиллари томонидан "оғдириб олиш" ҳоллари баъзан учраб туради. Одатда, бундай "оғдириш ўйинлари" уч хил тарзда бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда, журналистлар муайян одамлар ортидан кузатувчи жосус бўлишга рози қилинади ва ёки махфий хизмат вакилининг ўзи журналист қиёфасида иш кўради. Бугунги кунда ҳам баъзан қўлланилаётган айни усул неча йиллар давомида "Интелиженс сервис" ("Интелиженс сервис" — махсус хизмат. Европада махсус хизматни ёки хавфсизлик хизматини шундай дейишади. Масалан, ЦРУнинг инглизчаси CIA — Сентрал Интелиженс Эженсу)га асқотиб келган. Масаланинг нозик томони шундаки, махсус хизматга алоқадор бундай журналистлар бошқа журналистларга бўлган ишончнинг ҳам йўқолишига сабаб бўлади.

"Обзервер" газетасининг (Англия) мухбири Фарзад Базофт менинг дўстим эди. У кейинчалик Саддам Ҳусайн ҳукумати учун жосуслик қилганликда айбланди. Аслида-ку, унинг ҳақиқатан ҳам жосус бўлган-бўлмагани унчалик муҳим эмасдир. Ҳар ҳолда, алал-оқибат уни ўлдириб кетишгани анча жиддий нарса.

Иккинчи ҳолда эса, "интелиженс" одамлари ҳақиқий журналист бўлмайди, балки шу ҳунардан фойдаланади. Бунда улар сохта исм-шарифлар билан ўзларига керакли мақолалар эълон қилади. Бу каби "айблар"ни ошкор этиш ҳам кўпда осон кечмайди.

Учинчи усул эса анча уддабуронлик билан қўлланилади. Бунда махфий хизмат хоҳлайдиган мақолалар улар билан ҳамкорлик қилишга хайрихоҳ журналистларга узатилади ва дунё юзини кўради. Мақола манбаси эса имкон қадар хаспўшланади. Британиянинг "Интелиженс сервис" вакиллари бундай ишларни амалга ошириш учун "Информатсион операция" номли дастур ҳам ишлаб чиққан. Бу қисқача "И/опс" деб номланади. Шу ўринда, ана шундай "операция"лардан айримлари ҳақида тўхталиб ўтсак.

"Қора пропаганда" ёхуд манбаси сир тутиладиган ёлғон мақола усули Британия махсус хизмати вакиллари томонидан иккинчи жаҳон уруши давридан қўлланила бошланган. Ўшанда *Махсус Операция Раҳбарлиги* яширин радиостанциялар орқали руҳий таъсирчан немис аскарлари орасига тушкунлик уруғларини сочиш, уларга порнографияни тарғиб қилиш учун мумкин бўлган барча амаллардан фойдаланган эди. Уруш тугагач эса бу "хайрли" тадбир Англиядаги *Шўро Иттифоқига Қарши Тадқиқот Марказининг* асосий ишига айланди. Унинг асосий вазифаси ривожланаётган мамлакатлар матбуотига антикоммунистик руҳдаги мақолаларни "экиш" бўлган. Шунингдек, улар Маркс ёки у каби коммунист "даҳо"ларнинг алкаш ва порахўр бўлгани ҳақидаги "тарихий" мақолалар ёзган пайтлари ҳам бўлган.

Тадқиқот Маркази айрим танг вазиятларда ўта "ғаройиб" мақолалар ҳам яратарди. Шундай воқеалардан бири ўтган асрнинг 70-йилларида рўй берган. "Нюс оф зе ворлд" ("Дунё янгиликлари", Англия) газетасининг биринчи саҳифасида *"Рус сув ости кемаси Ирландия Республикачилар Армияси фитнасида"* сарлавҳаси остида шов-шувли мақола босилди. Мақолага сурат илова қилинган бўлиб, унда антенналари сув юзасига чиқиб турган беш юлдуз тамғали сув ости кемасининг Донегал қирғоқлари яқинида юргани акс эттирилган. Кейинроқ маълум бўлишича, ушбу мақола юқорида номи зикр этилган Тадқиқот Марказининг "ихтироси" экан.

Ушбу марказ 1977 йили ёпилди. Лекин унинг "руҳи" ўлмади. Орадан 25 йил ўтиб "Сандей Телеграф" (Англия) газетаси ўз ўқувчиларига Ливия ҳарбий намояндаси Қаддофийнинг ўғли қалбаки пул ишлаб чиқаришга алоқадор экани тўғрисидаги мақолани тақдим этди. Мақола газетанинг хорижий мухбири Кон Кофлин томонидан ёзилган ва у маълумотларни "Британиядаги банкнинг бир расмий вакили"дан олганини айтганди. Вақт ўтиб маълум бўлдики, айни мақола унга Британия ташқи разведкаси - "Эм Ай-6" вакиллари томонидан берилган экан. Яна шуни ҳам айтиш керакки, "Эм Ай-6" Кофлинни кўп йиллар давомида шундай мақолалар билан таъминлаб ҳам турган.

Мазкур мақола тарихи яқиндагина "Эм Ай-5"нинг (Англия махсус хизмати) собиқ зобити Девид Шейлернинг таржимаи ҳолини ёзаётган Марк Ҳоллингсворс томонидан ошкор этилди. Маълум бўлишича, ўша вақтда Шейлер "Эм Ай-5"да ўзининг "Эм Ай-6"даги касбдоши билан бирга Ливия бўйича масъул бўлган. Истеъфога чиққач эса, Қаддофий воқеасига тааллуқли хотиралар билан бирга унинг қўлида бир талай махфий ҳужжатлар ҳам қолган. Шуларга таяниб М. Ҳоллингворс катта бир ишни оммага ошкор этди.

Кутилмаганда, ушбу даъвони тасдиқловчилар ҳам топилди. Қаддофийнинг ўғли "Сандей Телеграф"ни туҳмат қилганликда айблаб, расмий арзнома ёзди. Газета масъуллари эса унинг ҳақиқатан ҳам "соққа ўйини"га алоқадорлиги ҳақида ҳеч қандай исбот келтира олмади. Охир-оқибат, айни мақола "ҳукумат расмийлари томонидан берилганини" тан олишди.

Газета ушбу мақола бўйича 1998 йил 28 октябрь сонида "тушунтириш хати" ҳам эълон қилди. Унда ёзилишича, ушбу мақола эълон қилинишидан олдин консерваторларнинг (Англиядаги асосий партиялардан бири) ташқи ишлар котиби Малколм Рифкинд томонидан тушлик уюштирилган ва унда Кон Кофлин ҳам қатнашган. М.Рифкинд йиғилганларга Эрон ва шунга ўхшаган давлатлар ўзларига қарши санкциялардан халос бўлиш учун қаттиқ валютадан фойдаланишга ҳаракат қилаётгани ҳақида гапиради. Учрашувдан сўнг махсус хизмат вакилларидан бири Кофлинга қисқача "сабоқ" беради. Кейинчалик у Кофлиннинг доимий "манбаси"га айланади.

Бир неча кундан кейин эса "Эм Ай-6" ходими Кофлин билан суҳбат ўтказади ва унга Қаддофийнинг ўғли ҳақидаги мақолани беради. Кофлин журналист сифатида ушбу мақоладаги айбларни асословчи далилларни сўрайди ва унга банкнинг гўёки расмий маълумотларини кўрсатишади. Барибир у асл манбани кўрсатиш учун "Эм Ай-6"га муттаҳам бўлиб қолаверди. Унга манбани қатъий сир сақлаш ҳам уқтирилган. (Британия оммавий ахборот воситалари қонунчилигида муайян сабабларга кўра мақола манбасини сир тутиш мумкинлиги кўрсатиб қўйилган).

Турли расмий мурожаатларга жавобан, "Сандей Телеграф" масъуллари мақола манбасини "Ғарб ҳукуматлари расмий вакиллари" дея хаспўшлашга уриниб юрди. Лекин газетанинг ушбу "фақирона ниқоби" Сити (Англия молия бозори. АҚШдаги Уол Стритга ўхшаган) қонунчиси Девид Ҳупер томонидан олиб ташланди. У ўзининг "Қил устида турган обрўлар" (Reputations Under Fire) китобида айни воқеа хусусида тўхталиб, мақола аслида "Эм Ай-6" томонидан тақдим этилганини таъкидлайди.

Инглиз тилидан
Фарҳод Арзиев таржимаси

(Давоми келгуси сонда)

ЎРГАНИШ ДАВРИ

китоб учун ажратилган ҳажм буни кўтармас эди. Китобни яратишдан асосий мақсадимиз мустабид шўро тузуми даврига, тарихий жараёнларга, тарихий воқеликларга янгича қараш ва холисона баҳо беришдан иборат эди. Бу даврнинг батафсил тарихини ёзадиган бўлсак, у бир неча китобдан иборат бўлиши табиий.

Шулардан келиб чиқсакда, китобда 30-, 50-йиллар қатағонларидан тортиб то 80-йиллардаги "пахта иши", "ўзбеклар иши" ниқоби остидаги қатағонларгача маълумот беришга ҳаракат қилдик. Шуни ҳам айтиш керакки, бу мавзу ҳали анча чуқур ўрганилиши зарур. Биз учун унинг маълум бўлмаган қирралари кўп. Бу муаммога бағишланган битта эмас, бир неча китоблар яратилиши зарур. Президентимиз И.Каримовнинг ташаббуси билан 1999 йил 12 майдаги фармойишига мувофиқ ҳукуматимизнинг 1999 йил 22 июлдаги "Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидоийлар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги қарори, "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармасининг ташкил этилиши ва Тошкент шаҳрида "Шаҳидлар мажмуаси"нинг қуриб битказилиши бу масаланинг нақадар долзарб эканлигини кўрсатмоқда.

— Ҳозирги саволнинг давоми сифатида яна бир масалада Сизнинг фикрингизни билмоқчиман. Илмий ва публицистик асарларда, матбуот саҳифаларида эълон қилинган қатағонлар масаласига оид мақолаларда кўпинча "Сталин қатағонлари" ёки "сталинизм қатағонлари" иборалари ишлатилади. Бунинг қай бири тўғри?

— Ҳақиқатдан ҳам бу масалада қандайдир аниқлик киритиш зарурати борга ўхшайди. Биринчи сабаби, юқорида айтганимиздек, мустабид совет тузуми қатағон сиёсатининг моҳиятини, келиб чиқиш сабабларини, амалга ошириш усуллари ва механизмини ҳали чуқур билмаслигимиздан келиб чиқади. Иккинчидан эса, бу қатағонларга ким сабабчи, кимнинг айби билан бутун-бутун халқлар, минглаб ва миллионлаб фуқаролар гуноҳсиз ва сабабсиз геноцид қилинди. Гўё, айбдорларнинг кимлиги, уларнинг номлари аллақачонлар аниқлангандек. Улар юқорида айтилганидек, Сталин, Берия ва бошқалар. КПСС МКнинг 1956 йил июндаги "Шахсга сиғиниш ва унинг оқибатларини тугатиш" ҳақидаги қарорида барча айб Сталин зиммасига ағдарилгани, у барча қатағонларнинг "асосий айбдори" сифатида коммунистик мафкура ва пропаганда томонидан онгимизга атайлаб сингдирилганига ҳалигача эътибор бермаяпмиз. Биз коммунистик тарғиботнинг навбатдаги "ўйинига" ишондик ва ундан ҳозирги кунгача тўлатўкис қутула олмаяпмиз.

Бу билан мен Сталин, Берия ва бошқалар айбдор эмас демоқчи эмасман. Шубҳасиз, 30-,50-йиллар қатағонларида улар мамлакатнинг раҳбарлари сифатида бош айбдорлардир.

Лекин, бизга яна шу нарса маълумки, қатағон қилинишга маҳкум этилганлар рўйхатлари партия МКнинг сиёсий юроси мажлисида кўриб чиилган ва бу рўйхат билан барча сиёсий бюро аъзолари танишиб, ўзларининг рози эканлигини гоҳида ўз имзолари билан, гоҳида оғзаки билдирганлар. Бу ҳақда мустабид тузум инқирозга учраганидан сўнг эълон қилинган ишларда, мемуарларда ёзилди ва оммавий ахборот воситаларида кўрсатилмоқда ва айтилмоқда.

Яна шуниси ҳам борки, партия МКнинг Сиёсий бюросида кўриб чиқилиб тасдиқланган рўйхатлар асосида қатағон қилинганлар учун фақат якка шахснинг айбдор бўлиши тўғримикан? Бизнингча, қатағонлар масаласини фақат Сталин шахси билангина эмас, балки партия МК Сиёсий бюроси фаолияти билан боғлаган ҳолда ўрганиш зарур.

Хўш, яна бир савол туғилади: Советлар тасарруфидаги халқларни қатағон қилиш Сталин вафотидан кейин тўхтадими? Ҳозирги кунда маълум бўлишича, қатағонлар тўхтамаган. Сталин ҳукмронлиги йилларидаги каби оммавий тарзда бўлмаса-да, лекин халққа нисбатан зўравонлик ўтказиш, намойишчиларни отиш, қамоқхоналарга ташлаш мунтазам равишда бўлиб турди. Масалан, 1957 йилда Тбилисида, 1958 йилда Грозныйда, 1962 йилда Новочеркасскида тинч намойишчиларни отилиши, уларга қарши танкларнинг қўйилиши халқни қатағон қилиш эмасми?! Булар, ҳозирги кунда бизга маълум бўлганлари, холос. 80-йилларда Ўзбекистонда Марказ томонидан атайлаб уюштирилган "пахта иши", "ўзбеклар иши" муносабати билан 70 мингдан ортиқ бегуноқ аҳоли ҳибсга олиниб сўроқ-жавоб қилиниб, кўпчилиги қамоқларга ташланди. Бу оммавий қатағон эмасми?!

Модомики, раҳбар шахслар ҳукмронлиги йилларида бўлган қатағонлар улар номи билан аталар экан, у ҳолда 60-80-йиллардаги қатағонларни ҳам Хрушчев, Брежнев, Горбачев номлари билан аташимиз керак бўлади.

Аслини олганда, асосий ва бош айбдор тоталитар тузум ва коммунистик мафкурадир! Чунки, большевиклар ғояси асосида ташкил қилинган мустабид совет тузуми биринчи куниданоқ халққа қарши зўравонлик ва қатағон сиёсатини бошлади. Қанчадан қанча "инқилобга қарши" (контрреволюцион) кучлар большевиклар томонидан отиб ташланди, қамоқларга ташланди ва мамлакатдан қувилди. Мустабид совет тузуми бу жинояткорона ишларини умрининг охиригача давом эттирди.

Модомики шундай экан, МК сиёсий бюроси ва ўзи яратган давлат қатағон машинаси кирдикорларини яшириш, бу жиноятлар кўламини, моҳиятини ва аҳамиятини пасайтириш мақсадида жамоатчиликка "барча қатағонларни Сталин зиммасига" юклаб, сиёсий тузумни, большевизмни оқлашга ҳаракат қилди.

Ҳозирги кунда ҳаққоний тарихимизни яратишга қўл урган эканмиз, бу масалага ҳам янгича ёндашишимиз, унга ойдинлик киритишимиз, ҳар бир "нарсани ўз номи билан аташимиз" зарур бўлади.

— Мустақиллигимиз шарофати билан мустабид совет тузумига қарши курашган ва қатағон қилинган, бизга номлари маълум бўлмаган шахслар ҳақида маълумотлар топиш, уларни қидириб топиш, уларнинг фаолияти ҳақида мақолалар ёзиш, эшиттиришлар ташкил қилиш имконияти туғилди ва бу борада анча-мунча ишлар қилинди. Шундай шахслар ҳақида гапирилганда ёки ёзилганда уларни кўпроқ истиқлол учун курашганлар сифатида талқин қилинмоқда. Бу масалада қандайдир аниқлик киритиш керакка ўхшайди. Сиз шу давр тарихимизнинг мутахассисларидан бири сифатида бу масалага қандай қарайсиз?

— Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тарихчи олимлар, журналистлар ва бошқалар истиқлолимиз учун жон куйдирган, лекин ҳозирги кунгача номлари маълум бўлмаган бир қатор шахсларнинг муқаддас номларини тиклаш борасида катта иш қилмоқдалар.Бу ишлари билан улар тарихимиздаги "оқ доғларни" тиклашда, ҳақиқий ва холисона тарихимизни яратишда ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ҳар бир номлари тикланган шахслар инсон сифатида, улар истиқлол учун курашиб ёки курашмай ноҳақдан мустабид тузум қатағонига учраганлигидан қатъий назар улар биз учун қадрлидир.

Лекин, тарих фанининг қонун-қоидаларига кўра ҳар бир масалага аниқлик талаб қилинади. Биз тарихимизни ёзишда холислик ва ҳаққонийлик тамойилларига асосланар эканмиз, мустабид тузум йилларида кимлар совет тузумига қарши курашиб (қурол билан, қалам билан ва ҳ.к.) қатағон бўлганлигини, кимлар ноҳақдан, гуноҳ қилмасдан қатағон қилинганлигини аниқлаб олишимизга тўғри келади.

Қўлида қурол билан большевиклар режимига қарши курашган истиқлолчилар, совет тузумини унинг ғоясини қабул қилмасдан унга қарши ғоявий кураш олиб борган жадидлар ва бошқа ватанпарварлар қатағон қилинган бўлса буни тушуниш мумкин. Чунки, қайси ижтимоий-сиёсий тузум, айниқса тоталитар тузум ўзига қарши турган кучлар ва шахсларнинг "бошини силаган". Ўз қўли остидаги барча восита ва имкониятлардан фойдаланиб бу кучларни йўқ қилишга ҳаракат қилган. Биз бу билан мустабид совет тузумига қарши турганлар тўғри қатағон қилинган демоқчи эмасман. Бу ерда биз, фақат, тарих адолат тарозиси эканлигини, ҳар бир тарихий воқелик, тарихий факт ҳиссҳаяжонга берилмасдан холисона баҳоланиши, бутун-бошлиқ ижтимоий-сиёсий тузумни, унинг ғоявий асосини танқид қилишга қўл урган эканмиз, барча қўйилган айблар асосли бўлиши зарурлигини айтмоқчимиз, холос.

Мулкдор бўлганлиги, шариат қоидаларига риоя қилганлиги, жамоа хўжаликларига кирмаганлиги, "қулоқ" тоифасига мансублиги, турмуш ўртоғи паранжисини ташламаганлиги, "доҳий" шаънига оғзидан "ножўя" сўз чиқиб кетганлиги, "халқ душмани"нинг қариндоши, яқини, дўсти бўлганлиги, мажлисларда сиёсат бобида танқидий фикр айтганлиги учун ва бошқа арзимас сабаблар билан бегуноҳ шахсларни қатағон қилиш ҳеч қандай одоб ва ахлоқ нормаларига тўғри келмайди.

Ўзбекистондан қатағон қилинганлар таркибини чуқурроқ ўрганадиган бўлсак шунга амин бўламизки, истиқлол учун курашиб қатағонга учраганлар умумий қатағон қилинганларнинг жуда оз қисмини ташкил қилар экан. Аксарияти эса бегуноҳ жабрланганларни ташкил қилади. Энг даҳшатлиси тузум учун жон-дили билан хизмат қилганлар ҳам ҳеч айбсиз қатағон қилинганлар. Мустабид тузумнинг фожиаси ҳам, уни гуноҳсиз инсонларни қатағон қилганлиги учун оқлаб бўлмаслигининг моҳияти ҳам ана шунда.

— Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази қисқа муддатда, яъни 4 йил ичида унча-мунча илмий даргоҳлар уддалай олмаган ғоятда масъулиятли ва мушкул ишни бажариб, учта салмоқли китобдан иборат бўлган "Ўзбекистоннинг янги тарихи"ни яратиб халқимизга тақдим этди. Халқимиз, айниқса ўқувчилар, талабалар, ўқитувчилар бу китобларга муҳтож эди. "Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш" ҳақидаги ҳукуматимиз қарорини Ватанимизнинг қадимдан ҳозирги кунгача бўлган тарихини янгича ёндашув асосида қайтадан ёзиш деб тушуниш жоиз. Чунки, Президентимиз ўзларининг "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" номли китобларида "Совет даврида ёзилган тарихни мен тарих санамайман" деганларнинг ўзи янги тарих маркази ҳукуматимиз топширган масъулиятли вазифанинг фақат дастлабки қисмини бажарганлигини англатиб турибди. Демак, ҳали олдинда вазифалар кўп.

Ўтган 4 йил давомида Тарих маркази фақат юқорида айтиб ўтилган учта фундаментал асарни тайёрлаш ва чоп этиш билан чекландими ёки бошқа йўналишларда ҳам тадқиқотлар олиб бордими?

— Ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази Президентимиз ва ҳукуматимиз топшириғини баҳоли-қудрат бажармоқда. Албатта, бу китоблар машаққатли меҳнат ва изланишлар эвазига юзага келди. Бунда Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси раҳбарияти, айниқса унинг ректори, профессор А.А.Азизхўжаевнинг Тарих марказини ташкил қилиш, унинг йўналишини белгилаш, учта китобнинг тайёрланиб чоп этилишида хизмати катта бўлди. Шу ўринда Республикамизнинг таниқли тарихчи олими, Янги тарих маркази қошидаги Илмий-ижтимоий кенгаш раиси академик Б.Аҳмедовнинг "Янги тарих"ни яратишдаги хизматини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, нашр қилинган учта китоб тарихчи ва бошқа соҳа олимларининг ижодий ҳамкорлигининг натижаси бўлди. Ўзбекистон олимлари билан бир қаторда Қорақалпоғистон Республикаси олимлари ҳам фаол иштирок этдилар.

Марказимиз хусусида айтадиган бўлсак, марказда ёрдамчи ходимлар қўшиб айтилганда 18 ходим ишлайди. Яъни, Марказ жамоаси катта эмас. Яна шуниси характерлики, марказда Ўзбекистон тарихининг қарийб барча даврлари бўйича мутахассислар бор. Ана шу ихчам, кичкина ва аҳил жамоада марказ ташкил бўлган кундан ҳозирги кунга қадар, яъни 4 йил муддат ичида 3 та "Ўзбекистоннинг янги тарихи" фундаментал асарлари, 2 та монографик асар, битта тўплам ва имло-луғати, энг муҳими, мактабларнинг 6-8-9-11-синфлари учун "Ўзбекистон тарихи"дан тўртта дарслик ва кўплаб мақолалар тайёрланди ва чоп этилди.

Бизнингча, кичкинагина илмий марказнинг бу маҳсулотлари Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига муносиб туҳфа бўла олса керак.

Фикримизча, янги тарих марказининг самарали фаолият кўрсатишига асосий сабаб, уни ҳукуматимиз томонидан пухта ўйлаб бозор муносабатлари шароитига мослаб ихчам ва аниқ мақсадларни кўзлаб ташкил қилинганлигида деб ҳисоблаймиз.

Марказ тажрибасидан келиб чиқиб айтсак, эндиликда 80-100 ходимдан иборат бўлган "оғир вазнли" илмий муассасаларнинг даври ўтганлигини, эндиликда эса марказимизга ўхшаш кичик ва ихчам, лекин ишчан илмий жамоалар даври келган кўринади.

Тўрт йиллик тажрибага эга бўлган Тарих маркази олдида ҳали "Ўзбекистоннинг янги тарихи"нинг қадимги ва ўрта асрлар даврига бағишланган яна бир неча фундаментал асарлар яратишдек масъулиятли вазифа турибди.

Ўзингни англаб ет!
Mustaqil gazeta HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

Таҳрир ҳайъати: Азамат ЗИЁ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Норали ОЧИЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Амирқул КАРИМОВ, Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63

Индекс:
Якка обуначилар учун — 233 Ташкилотлар учун — 234

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик концерни босмахонасида босилди. Манзил: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Абдураҳмон АТАШАНОВ.
Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 19.00
Буюртма — Г-

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Hurriyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Халқимиз, кенг жамоатчилик давримизнинг буюк композитори Мутаваккил Бурхонов таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонламоқда!

Омон МАТЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири

ЁРУҒЛИК СИМФОНИЯСИ

Мутал БУРҲОНга

Фалак равишига хос юксак мақом —
Заминга мукаммал истаб бир чирой,
Шундоқ икки дарё ораліғидан
Олди Яратганим бир зувала лой...

Олди-ю, жамики малоикларнинг
Рамзини яратди одам расмида.
Комил фаришталар зотан минг-минг йил
Аршнинг хизматида турар аслида.

Тағин ҳар бирида ўн касб, юз ҳунар,
Хўш, бу лой қўғирчоқ нимага тимсол?!
Ҳозирча жони йўқ. Ҳақнинг изнисиз.
Бир ненинг тириклик олмоғи маҳол.

Буни билиб қолиб, Шайтони лайин
Масхара қилади малоикларни:
"Неччи кун яшаши мавҳум кесакка
Раббингиз бахш этмоқ истар жавҳарни!

Ҳой, Жон, менга қара, балчиқ бу, лой бу,
Нечук яшайжаксан, руҳинг не бўлар?!
Чамамда, кўп ўтмай бутун Ер юзи
Шундоқ "лойжон"ларга батамом тўлар.

Ҳой, Жон, Сен Иймоннинг тахтисан ахир,
Наҳот ҳеч ирганмай кирсанг шу лойга?!
Эрмакка не ишлар қилмас худойинг,
Не-не юлдузларни қилдириб пойга?!..."

... Тангримдан қолар гап борми?! Ҳар касбнинг
Сўзнинг, мусиқанинг бордир сарвари.
Бастакор фаришта ўртага чиқар,
Буйруқ бу! Ва Жон ҳам юрар Лой сари...
Ўз ишига кетар Осмонда — Ўзи!
Фармон бажарилгай Сўзсиз ва тайин.
Аммо ўз ҳолига қўймайди Жонни
Еру кўкка жавраб — Шайтони лайин.
У билар: Аршда ҳам жиҳатлар бисёр,
Гарчи Ҳақнинг ҳукми ҳар ерда ҳоким.
Бир буржда саркордир Тортиш кучлари,
Бир сарҳади очиқ, мингги — ботин.

Кўкнинг ҳам ўз "Товус", "Аждаҳо"лари,
"Қалқон", "Темир қизиқ", "Якка шохи" бор!
Бир галактикада мой қиммат бўлса,
Бирисида — халқнинг юрак доғи бор...

Бас, бас! Малоиклар издиҳом тузар.
Давра боши чиқар: Жимийди олам.
Фаришта бастакор сарчўп силкитар,
Коинотни чўлғар жонбахш бир оҳанг.

Не куй бу! Томирлар оташ туяди,
Вужудга жон иниб отар ҳам қадам...
Ё раб! Аму ва Сир ораліғида
Илк жонзот яралди! Биринчи Одам!

Не наво эди бу — тарих не бўлди,
Она сайёрада не воқеа бу?
Буёғин биласиз... Аммо қалбимга
Буюк замондош зот солди зўр туйғу!

Асил ижодкорга Вақт ҳакам фақат.
Мутаваккил Бурхон, очилсин рояль!
Эрк беринг Ёруғлик симфониясига,
Эй фалак, илоҳий сирларга бўял!

Истиқлол дарахти гарчи сарбаланд,
У ҳам кўп боғбонлар меҳрига муҳтож.
Чунки зарпечаклар босмоғи мумкин,
Ва мечкай жонзотлар тутмоғи меърож...

Чунки шайтон қавми каж ҳали ҳамон —
Асил истиқлолга адовати бор.
Чунки очиқ ижод, ҳур сўз буларнинг
Қайқи башарасин айлар шармисор.

Авж самовий куйлар ила "жон ийиб",
Одамни Ҳақ Ўзи ижод этмиш бас,
Ижодкор жонларни хор этганларни
Парвардигор ўзи жазосиз қўймас!

Мутаваккил устоз, зарб уринг торга,
Янгра, тонг ойнасин покловчи Наво!
Қуёш бир син солса тоққа баҳорда
Жонбахш оқажакдир Сир, Амударё.

Адолат руҳидан жон олар миллат,
Истиқлол навоси, ҳаволан, балқи!
Буюк ижодкорни алқаркан Шоҳлар
Бир парда юксалар Халқнинг ҳам қалби!

15.05.2001.

Мутолаа

"... КЕЛ, КЎР МЕНИ, ИШҚ НАЙЛАДИ"

Нодирхон ҲАСАН

Миллатимиз узоқ йиллар давомида кўҳна маънавиятимиз сарчашмаларидан суғорилган равишда йироқлаштириб келинди. Ватан мустақиллигига эришилгач, кўплаб адибларимиз қатори Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратларининг адабий мероси, ҳаёт йўли ва ижодлари ижодини кенг миқёсда ўқиб-ўрганишга эътибор анча ортди.

Шу маънода куни кеча "Фан" нашриётида таниқли адабиётшунос, профессор Маҳмуд Асъад Жўшоннинг "Юнус Эмро ва тасаввуф" китобининг чоп этилиши қувонарли ҳолдир. Китобни филология фанлари номзоди Сайфиддин Сайфуллоҳ ўзбекчалаштириб, шеърларни нашрга тайёрлаган.

Маълумки, Аҳмад Яссавий асос солган ҳикматнавислик адабий мактаби ундан кейин издошлари томонидан давом эттирилган. Қардош Онадўли заминида яшаб ижод этган мутасаввиф адиб Юнус Эмро ҳам ана шулардан биридир. Зеро, китоб муаллифи буни махсус таъкидлаб ёзади: "Аҳмад Яссавий исломиятни "Ҳикмат" деб номланган шеърлари билан чароғон этган, чўл, даштларга тасаввуфий тарбияни шу тахлит ёйган. Юнус Эмро эса Аҳмад Яссавий йўлининг бевосита давомчиси, энг содиқ издошларидан. Йўлни ҳазрат Яссавий очган, Юнус Эмро эса шу йўлдан юрганлардан бири".

Юнус Эмронинг номи адабиёт шинавандаларимизга яхши таниш. Унинг мазмунан теран ва жўшқин ҳикматомуз шеърлари туркий халқлар қалбидан мустаҳкам ўрин олиб келганлиги тарихий бир ҳақиқатдир.

Зеро, Юнус Эмро шеърларида комил инсон фазилатларидан, дунё ва охират саодатидан, баркамол хулқ, ориф инсон дардларидан сўз юритилади. Уларни ўқир экансиз, илоҳий ишқ гирдобига ғарқ бўлган ошиқнинг маъшуқига қилган дил изҳорлари, илтижо-нолалари билан бир қаторда, сулук одоби, дарвешлик талаблари ҳамда табиат, инсоният, қолаверса жами махлуқотга муҳаббат, раҳм-шафқат туйғулари билан яқиндан танишасиз.

"Кўнглим тушди бир савдойа, кел, кўр мени, ишқ найлади,
Бошимни бердим ғавғойа, кел, кўр мени, ишқ найлади.
Мен юрарман ёна-ёна, ишқ бўяди мени қона,
На оқилман, на девона, кел, кўр мени, ишқ найлади", — дейди жумладан шоир.

Китоб икки қисмдан таркиб топган. Биринчи қисм Юнус Эмро ва тасаввуф деб номланган бўлиб, унда сўз боши ва муқаддима, Юнус Эмро ва унинг тасаввуфга муносабати, Юнус Эмронинг фалсафий, эстетик ва тасаввуфий фикр-қарашлари ҳамда унинг ҳаёти, ижоди билан боғлиқ мулоҳазалар жой олган. Иккинчи қисмда эса Юнус Эмро шеърларига ўрин ажратилган.

Бундай асарларнинг тилимизга таржима қилиниши албатта ўзига хос муҳим жиҳатларга эга. Биринчидан, бу асар Аҳмад Яссавий ижодини ўрганишда қўшимча манба бўлиб хизмат қилади. Иккинчидан, нафақат Ўрта Осиё, балки барча туркий халқлар, хусусан Кичик Осиё минтақаси адиблари ижодида ҳам Яссавийга издошлик ва унга садоқатнинг бардавомлиги Аҳмад Яссавийнинг туркий миллатлар мафкураси ва маънавиятида улкан мавқе соҳиби эканига яна бир карра далолат қилади. Учинчидан, Яссавийда бўлганидек, Юнус Эмро ижодида ҳам умуминсоний ва тасаввуфий ғояларнинг муштарак эканини кўрамиз.

Эмро шеърлари ўтмишда бўлганидек, бугунги кунимиз учун ҳам кўп жиҳатдан маърифий-тарбиявий аҳамиятга моликдир. Чунки айнан Аҳмад Яссавий услубида ёзилиб, илоҳий ишқ билан йўғрилган бу шеърлар шахс камолоти ва маърифатига хизмат қилиши шубҳасиздир. Эмро шеъриятига холис баҳо бериш эса адабиёт мухлислари ва тадқиқотчиларимиз ҳукмига ҳавола.

Шахмат

ТАХТАЛАР ОЧИЛДИ, ДОНАЛАР ТЕРИЛДИ

Журналист, шоиру ёзувчи, мунаққид ақл—заковат баҳсига киришди.

Ижодий жамоатчилик орасида Эркин Воҳидов, Озод Шарафиддинов, Худойберди Тўхтабоевнинг ашаддий шахматчи эканликлари ҳақида анча-мунча ривоятлар юради. Кейинги авлод вакиллари ҳам бу борада улардан қолишмайди. Дейлик, Ортиқбой Абдуллаев, Насриддин Муҳаммадиев, Мирпўлат Мирзаев, Саъдулла Ҳаким, Тоҳир Мирҳодиев, Шодмонбек Отабоев, Шоҳрух Акбаров... Ким кимни неча марта доғда қолдирганию, ким кимга тутқич бермай шахмат тахтаси устида рўпара келмаётганигача!.. Ҳар қалай, матбуотчилар ҳаётида миш-мишлар шундайига ҳам етарли бўлиб турган бир паллада, лоақал шахмат билан боғлиқ олди-қочдиларга барҳам беришнинг бирдан-бир чораси барча ижодкор шахматчиларни бир жойга тўплаш бўлди. Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси саъи-ҳаракати билан Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан Республика "Шахмат-шашка клуби" биноси уч кун мобайнида ижодкор шахматчилар ихтиёрига берилди.

Ана, жангу, мана жанг!

Клуб дитректори фидойи шахмат жонкуяри Шокир ака Йўлдошев ҳам меҳрибон инсон, ҳам талабчан ҳакамликни қўлга олди. Иштирокчилар рўйхати қатъий қура асосида икки гуруҳга бўлинди. Кимдир Карповнинг, кимдир Каспаровнинг китобини қўлтиқлаб олган. Яна бир ҳамкасбимиз мен Косимжонов ҳақида мақола ёзганман деб Рустамнинг уйига бориб келибди. Хайтовур, ёш гроссмейстеримиз оллис сафарда экан, бояги дўстимиз шумшайиб қайтди... Телевидениедан Саъдулло Мирзаев назарияни сув қилиб ичган экан, "ҳаммасини эзаман" деган Фарҳод Рўзиев юмушларидан ортиб келолмагани кимларнидир маглубиятдан асраб қолди.

Биринчи куннинг ўзида жанг қизиди. Шодмон Отабоев, Саъдулло Мирзаев, Асрор Мўминов, Тоҳир Мирҳодиев, Суннат Сайдалиев биринчи ғалаба нашидасини суришди! Раҳматулла Иноғомов ҳам бирин-сирин рақибларнинг шаштини синдира бошладилар. Очиғи, биринчи кун яримламай шахмат клубини астагина тарк этиб, хайр-маъзурни насия қилиб жуфтакни ростлаганлар ҳам бўлди. (Қочиб қаёққа боришарди, журналистнинг қочгани... ўзимизнинг газетхонагача-да!..) Иккинчи кун "ҳарорат" янада кучайди. Катта мажлисдан руҳ олиб қайтган "Хуррият"чи Х.Дўстмуҳаммад ҳам бўш келмади. (Таваккалига дона суриб, бой беришга тайёр бўлган дўстларни ҳам ютганига ўзи ҳам ҳайрон.) Баҳодир Муродалиев, Бахтиёр Каримов, Абдураҳмон Жўраев ҳар қандай рақибга бўш келмаслигини намойиш этди. Айтмоқчи, таниқли шахмат устаси Маҳмуд ака Юнусов ютқазмади ҳисоб! Яхшиямки, у киши конкурсдан ташқари дона сурдилар, акс ҳолда ғолиблик масаласи анча чигаллашиб қоларди. Яна бир кўзни қувонтирган нарса – мусобақада "Қадрият" газетасининг мухбири Холидахон Қобулова йигитлар билан тап тортмай, лекин аёлларга хос назокат билан дона суришдиларки, унча-бунча йигитларимиз шошиб қолганлари ҳам сир эмас.

Оқибатда, ижодкорлар орасида ўхшатиб дона сурган Асрор Мўмин биринчи ўринни эгаллади! (Омад ёр бўлсин!)

Иккинчи ўрин... бу ёғини таҳлил этишнинг энг маъқул йўли жадвал! Жадвалга қаранглар, азизлар! Ғолибларга эса жамғарма томонидан ҳозирланган совғалар тақдим этилди.

1. **Асрор Мўминов ("Мерос" нашриёти)**
2. **Хуршид Дўстмуҳаммад ("Хуррият")**
3. **Тоҳир Мирходиев ("Мулкдор")**
4. **Суннат Сайдалиев ("Қишлоқ ҳаёти")**
5. **Баҳодир Муродалиев ("Маънавият" нашриёти)**
6. **Саъдулла Ҳакимов (ЎзА)**
7. **Раҳматулла Иноғомов ("Жаҳон адабиёти")**
8. **Шодмонбек Отабоев ("Хабар")**
9. **Х.Юнусов ("Спорт")**

Мусобақа иштирокчилари барча ижодкорлар номидан "Пахтакор" марказий ўйингоҳи директори Умид Зоҳидовга, шахмат клуби директори Шокир Йўлдошевга ўзларининг самимий миннатдорчиликларини изҳор этар эканлар, бундай мусобақалар анъанавий тус олса, унда вилоятларда ҳам яшаб, ижод қилаётган кўплаб ҳамкасбларимиз фаол иштирок этсалар деган умид билдирдилар.

Шундай экан, келгуси жангларга қадар омон бўлинглар! Тахта узра юзлашгунча, азиз ижодкорлар!!!

ҚУЛОҚҚА ЧАЛИНГАН ҒИЙБАТЛАР

Кўзларини бўш курсига михлаб қўйди.
(Ҳаваскор адиб ҳикоясидан)

Икки шоир тахта бўлиб ўтирар, чолдан эса ғазал тўкиларди...
(Радио эшиттиришларидан)

У кишининг оғизларига арвоҳ қўнган, дўмбирасининг қулоғини бураса бас, ўланнинг ўзи оқиб келаверади.
(Мунаққиднинг таъкиди)

Рассом тушмагур янгамни нақ қиз қилиб қўйибди.
(Лаганбардорнинг мақтови)

Ҳусанбой ТОЖИМАТОВ

G`uncha

QUYOSH

Keng musaffo, moviy
osmonda,
Charaqlab nur sochardi quyosh.
Shu dam bulut bosdi uning yuzini,
Xafa bo'lib osmon to'kdi yosh.

Bir dam o'tmay bulut yo'qoldi,
Yana paydo bo'ldi barkashdek
quyosh.
Kulib nurlar sochdi u yana,
Endi osmon to'kmas edi yosh.

TUVAKDA GUL O'STIRDIM

Tuvakda gul o'stirdim,
Yashnab gullar ochsin deb.
Uni suvga qondirdim,
Mayin hidlar sochsin deb.

O'tgan-ketgan hamma ham,
Gulimga qilsin havas.
Uning xushbo'y isidan,
Miriqishsin bir nafas.

Gulimning tarixini,
So'zlab yuboribman xo'p.
Men o'smagan gulimni,
Maqtab yuboribman ko'p.

JIRAFA

Hoy jirafa, jirafa,
Buncha uzundir bo'ying?
Eshikdan sig'asanmi,
Halaqit bermasmi bo'ying?

Muzqaymoqni ko'p yema,
Tomog'ing og'rib qolar.
Sening bo'yningni bog'lab,
Odamning qo'li tolar.

Bo'yningni bog'lash uchun,
Yuz metr doka yetar.
Tomog'ing bog'languncha,
Kasaling o'tib ketar.

Shahzodaxon ABDULLAYEVA,
137-o'rta maktabning 6-"V" sinf o'quvchisi

Ҳурматли Заҳира хола!

Сизни туғилган кунингиз билан чин қалбдан табриклаймиз.

Жиянларингиз

Собир Раҳимов номли 43-мактаб томонидан Мирзоҳид Мирагламович Султонов номига 1998 йилда берилган O'R-A №383541 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси таниқли публицист ва шоир Сафар БАРНОЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига сабр-бардош тилайди

Ҳамкасб

РАДИОДАН ЧИҚҚАН ЖУРНАЛИСТ

Абдуазим АЛИМОВ, "Ёшлар" телеканали бош муҳаррири

Етмишинчи йилларнинг бошида телерадио тизимига илк қадам қўйганимиз. Турмушнинг ўзига хос қирраларини кўрган Н.Бобожоновдан бирон бир киши маслаҳат, йўл-йўриқ сўраб келса, албатта қўлидан келганича, билганича мадад, ёрдам беришга ҳаракат қилади. Яна бир муҳим қирраси у ўз касбининг фидойисидир.

— Ҳар ким ҳам журналист бўлавермайди, — дейди Н.Бобожонов. Бу касб кишидан ўта муҳим жиҳат — ўта масъулиятли бўлишни талаб этади. Сен жамиятда бўлаётган ўзгаришларга, шунингдек рўй бериши кутилаётган ёки рўй бераётган жараёнларни олдиндан кўра билишинг, ана шу жараёнга миллат вакили, юрт фарзанди сифатида ёндашиб ўз бурчингни ҳис қилган ҳолда ёндашишинг лозим.

Дарҳақиқат, Н.Бобожонов ўз фаолиятини оддий радиожурналистликдан бошлади. Сўнг эса телевидение соҳасида ижод қилди. У тайёрлаган эшиттириш ва телекўрсатувларнинг қаҳрамони оддий кишилар — жамиятнинг эртанги порлоқ келажагини яратувчи бунёдкор кишилардир.

Қурувчи, қишлоқ хўжалиги ходими, фан фидойиси бўлмасин, албатта ҳар бир қаҳрамоннинг ибратомуз жиҳатларини очиб бера олади.

Н.Бобожоновнинг ижодий фаолияти серқирра. У ўз ижодий фаолияти давомида аввало устози деб отасини билди. Таниқли радиожурналист Эркин Раҳимов эса унинг назарий жиҳатдан олган билимларини амалиётда, ҳаётда қандай татбиқ этишга яқиндан кўмаклашиб устозлик бурчини ўтади. (У кишини Аллоҳ раҳмат қилган бўлсин).

Ўз навбатида Н.Бобожонов тележурналистикада ўзига хос мактаб яратди. Фурқат Зокиров, Садриддин Суяров, Дилшод Шамс, Зафар Комилов, Нигора Назарова, Мадина Мўминова, Элвира Мамажонова, Фатхулла Зоитов... Яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бугун ана шу иқтидорли ёшлар Ўзтелерадиокомпаниянинг турли тизимларида фаолият кўрсатмоқда.

— Ўттиз йиллик журналистлик фаолиятимнинг учинчи ўн йиллиги мен учун унутилмас, — дейди Н.Бобожонов. Бу давр ичида Ўзтелерадиокомпания тизимида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Ўтиш даврининг қийин бир палласида ҳукуматимиз, айниқса Президентимиз И.Каримовнинг саъйи ҳаракатлари билан телевидение тараққиётига катта эътибор берилди.

Бугун телевидениега келтирилган ва келтирилаётган замонавий техникага назар ташлайдиган бўлсак, МДҲ даги бирон бир давлатда бундай замонавий техникани учратиш қийин. Ана шу техникани бошқариш учун маҳаллий ёшлар ривожланган давлатларда малака ошириб қайтдилар. 1998 йил 1 сентябрь куни республикамиз жамоатчилиги ҳаётида, жумладан менинг ҳаётимда ҳам унутилмас кун бўлиб қолди. Шу куни Юртбошимиз ташаббуслари билан ташкил этилган "Ёшлар" телеканали ўз фаолиятини бошлади. Ҳукуматимиз, Ўзтелерадиокомпания раҳбарияти ишонч билдириб бизга ушбу масъул участкани ишониб топширди. Қисқа муддат ичида Ўзбекистон

халқ шоири, ёзувчи Хуршид Даврон етакчилигида ижодий жамоа ташкил топди. Ушбу жамоага иқтидорли ёшлар жалб этилди. Ўзтелерадиокомпания яна бир канал билан бойиди.

Маълумки, республикамиз аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Ўзбекистон ёшлар мамлакати. Шундай экан, телеканал ижодий жамоаси олдида ўта масъулиятли вазифа турибди. Бу ёшларимизни миллий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ўзлигини англаш, тарихий ва бой маданий меросини ўрганиш, замонавий билимларни эгаллашга ундовчи кўрсатувлар тайёрлаш демакдир. Шу билан бирга жаҳонда юз бераётган ўзгаришлар, фан ва техника, спорт оламидаги янгиликлар билан мунтазам таништириб боришдир. Албатта бу вазифаларни бажариш ҳар биримиздан катта меҳнатни, фидойиликни талаб этади.

Дарҳақиқат, муҳтарам Юртбошимиз мустақилликнинг илк кунидан бошлаб республикамиз ёшларининг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етишларига алоҳида аҳамият бериб келмоқдалар. Буни ҳар биримиз юртимиз ҳаётининг ҳар бир соҳасида кўриб, ҳис этиб турибмиз. Ана шундай фидойилардан бири — тележурналист Нозим Бобожоновдир. Унинг замондошларига, ўсиб келаётган ёш авлодга ибрат бўладиган жиҳатлари ва фазилатлари жуда кўпдир.

Ҳа, бугун ҳамкасб дўстимиз, тележурналист, касбининг фидойиси, ёшларнинг севимли мураббийси Нозим Бобожонов 50 ёшга тўлди. Нозим Бобожоновга умри фидойиликка йўғрилган эзгулик йўлида хизмат қилишдан толманг деймиз.

ОВОЗ

12 май куни кечқурун Тошкентнинг айрим ҳудудларида қоракўнгиз ёққанмиш